

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 24 » апрель 2019 у.

№ 348

Toshkent sh.

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
агентлигининг фаолиятини янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Техник жихатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон Қарори ижросини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (кейинги ўринларда “Ўзстандарт” агентлиги деб аталади), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ташқи савдо ва инвестициялар вазирлигининг қуйидаги тартибни жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ушбу тартибга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг мувофиқлигини декларациялаш йўли билан тасдиқлаш ҳукуки берилган тадбиркорлик субъектлари календарь йил якунида ишлаб чиқарилган декларацияланган маҳсулотлар реализацияси бўйича мувофиқлик белгисидан фойдаланганлик учун бир марталик тўловни амалга оширади;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг “Маҳсулотлар ва хизматлар сифати соҳасидаги хизматлари учун” мукофоти лауреатлари бўлган маҳаллий корхоналар номзод маҳсулот бўйича мувофиқлик сертификати амал қилиш муддатида мувофиқ белгисидан фойдаланганлик учун бир марталик тўловдан озод этилади;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Техник жихатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон қарорига мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармалари тугатилиб, Техник жихатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб аталади) ташкил этилганлиги;

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги 342-сон қарори билан ташкил этилган “Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус жамғармасининг (кейинги ўринларда Махсус жамғарма деб аталади) қўшимча харажатлари моддалари назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Департамент тугатилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаларининг 2018 йил 12 декабрга қадар имзоланган шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Фаолиятни сифатли амалга ошириш учун автотранспорт воситаларини, аюка ва Интернет ресурсларини ажратиш, шунингдек, Департамент ҳудудий инспекторларининг эҳтиёжлари учун бошқа моддий-техника воситаларини ажратиш билан боғлиқ бўлган ва “Ўзстандарт” агентлиги томонидан аниқланадиган харажатлар Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва шаҳарлардаги синов ва сертификатлаштириш марказларининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Қуйидагилар:

туғатилаётган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаларининг бино ва иншоотлари оператив бошқарув ҳуқуқи билан;

туғатилаётган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаларининг бошқа мол-мулки ва активлари Департаментга бегараз берилсин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Синов лабораторияларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Инсонлар ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, аτροφ-муҳит учун хавфли ва сифатсиз бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфи мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

сертификатлаштириш органига маҳсулоти сертификатлаштирилган ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан келиб тушаётган мувофиқ белгисидан фойдаланганлик учун бир марталик тўлов қуйдагича тақсимланади: 10 фоизи – сертификатлаштириш органининг тасаруфида қолади; 90 фоизи – икки кунлик муддатда Махсус жамғармага йўналтирилади.

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартиштириш, сертифицилаштириш ва метрология соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги учун маъмурий жарималар ундирилишидан келиб тушган маблағларнинг 50 фоизи Маҳсуе жамғармага ўтказилади:

“Ўзстандарт” агентлиги марказий аппаратига жами саккизта, жумаладан, битта шахсий бириктирилган, иккита навбатчи ва битта микроавтобус автотранспорт воситалари лимити ажратилади:

Департаментга жами учта, жумаладан, иккита шахсий бириктирилган, битта навбатчи автотранспорт воситалари лимити ажратилади.

7. Қуйидагилар “Ўзстандарт” агентлигининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, халқаро ва хорижий ҳукумат, халқаро молия ташкилотлари, молия институтлари ва бошқа донорларнинг грантлари ва кредитлари (қарзлари):

ҳодимларни моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирган ҳолда, ҳудудий бўлинмалар ва ташкилотларнинг ҳисобот даври якунида соф фойдасини тенг улушларда тақсимлангандан олинадиган даромадлар;

юрidik ва жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг хайрия маблағлари;

транспорт воситаларининг турини тасдиқлашни расмийлаштириш бўйича кўрсатиладиган хизматлардан ҳамда шартнома асосида амалга ошириладиган, бошқа хизматлардан олинадиган қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар;

Маҳсуе жамғарма маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Белгилаб қўйилсинки, Маҳсуе жамғарма маблағлари:

инсонлар ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф -муҳит учун хавfli ва сифатсиз бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфи мониторингини амалга оширишга, шунингдек, ички бозорда муомалада бўлган товарлар мувофиқлигини баҳолашга;

“Ўзстандарт” агентлигининг марказий аппарати ва Департамент ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун вазирликлар, идоралар техник қўмиталари ва хўжалик субъектлари мутахассисларини, стажчи лойиҳа институтларининг, илмий ва таълим муассасаларининг мутахассисларини жалб қилиш, шунингдек, консультант сифатида жалб этиладиган юқори малакали хорижий мутахассислар ҳаражатларини қоплашга;

экспортбон маҳсулотлар учун республикада халқаро, давлатлараро, минтакавий стандартлар ва хорижий мамлакатлар стандартларини сотиб олиш ва қабул қилишга;

бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришга, шунингдек, “Ўзстандарт” агентлигига юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ амалга ошириладиган бошқа тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

11. “Ўзстандарт” агентлиги:

а) 2019 йил 1 июлга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда маҳаллий маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва ошириш, уларни ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли ўртасида оммалаштириш ишларини фаоллаштиришга қаратилган “Ўзбекистоннинг энг яхши товари” таъловини таъсис этиш юзасидан таклифлар киритсин;

б) 2019 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи савдо ва инвестициялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда:

халқаро молия институтлари томонидан техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини ислоҳ қилишда грантлар, қарзлар ва бошқа молия манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда техник кўмаклашиш;

ластурий маҳсулот ишлаб чиқиш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, компьютерлар ва бошқа ташкилий техникаларни харид қилиш;

стандартиштиришга доир норматив ҳужжатларни ўйинлаштириш, шунингдек, ҳар йили Махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган экспортдоп маҳсулотлар учун халқаро, минтақавий, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларини харид қилиш;

юкори аниқликдаги ўлчаш воситаларини, ўлчаш қурilmаларини сотиб олишни, мавжуд синов лабораторияларини модернизация қилишни ва янгиларини ташкил этишни, шунингдек, кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини “Global G.A.P” ва Organic стандартлари бўйича сертификатлаштириш;

мобил лабораториялар учун автотранспорт воситаларини сотиб олиш дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) уч ой муддатда тадбиркорлик субъектларини ўлчаш воситаларини калибрлаш бўйича фаолиятга кенг жалб қилиш юзасидан таклиф тайёрлаган ҳолда, қиёсланиши лозим бўлган ўлчаш воситаларининг рўйхатини тасдиқласин;

г) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда:

Департаментга юкланган вазифаларни амалга ошириш учун назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга бўлган малакали мутахассислар билан Департаментни таъминласин;

туташтириётган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаларининг ходимларини иш билан таъминлашга амалий ёрдам кўрсатсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Ўзстандарт” агентлигининг буюртманомаларига кўра, “Ўзстандарт” агентлигига юкланган вазифаларни бажариш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божини ундирмаган ҳолда, кўп марталик визалар берилиши ва муддати узайтирилишини, расмийлаштирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхагдан ўтказилиши ҳамда муддати узайтирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги “Ўзстандарт” агентлиги буюртманомаларига кўра, хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномаларни беришни (узайтиришни) таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. “Ўзстандарт” агентлиги вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

17. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари қотибиятига ва “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори Д.Н. Саттаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 24 апрелдаги 348 -сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисида низом

I – боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигини (кейинги ўринларда “Ўзстандарт” агентлиги деб аталади), унинг таркибий бўлиналари ва мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ҳисобот беришини, шунингдек агентлик раҳбариятининг функционал мажбуриятларини, ҳуқуқ ва жавобгарликларини белгилайди.

2. “Ўзстандарт” агентлиги техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги вазифаларини ҳал этиш учун махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

“Ўзстандарт” агентлиги Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий орган ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

3. “Ўзстандарт” агентлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига ва бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ва фармойишларига шунингдек, мазкур Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. “Ўзстандарт” агентлиги ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари юридик шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобрақамларига эга.

5. “Ўзстандарт” агентлигининг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлик – Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, қисқартирилган – “Ўзстандарт” агентлиги;

б) инглиз тилида:

тўлик – Agency for standardization, metrology and certification of Uzbekistan, қисқартирилган – “Uzstandard” agency.

в) рус тилида:

тўлик – Узбекское агентство стандартизации, метрологии и сертификации, сокращенное – Агентство “Узстандарт”;

6. “Ўзстандарт” агентлигининг жойлашган жойи (почта манзили) – Тошкент шаҳар 100049, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 333 а.

2 – боб. “Ўзстандарт” агентлигининг тузилмаси

7. Қуйидагилар “Ўзстандарт” агентлиги тизимига киради:

“Ўзстандарт” агентлигининг марказий аппарати;

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб аталади);

“Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва шаҳарларда синов ва сертификатлаштириш марказлари;

“Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат корхонаси;

Стандартлаштириш, сертификаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти;

“Штрихли кодлаш ва ахборот технологиялари маркази” давлат корхонаси;

“Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги хузуридаги Аккредитация маркази” давлат корхонаси.

3 – боб. “Ўзстандарт” агентлиги, унинг ҳудудий бўлиналари ва идоравий мансуб ташкилотларининг вазифа ва функциялари

1 §. “Ўзстандарт” агентлигининг вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар “Ўзстандарт” агентлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”, “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Метрология тўғрисида”, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”, “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуллари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалий жиҳатдан амалга оширилишини таъминлаш;

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитациядан ўтказиш, халқаро стандартларни, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича халқаро стандартларни қўллаш асосида маҳсулотлар сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

стандартлаштириш, ўлчамларнинг ягона бирликда бўлишини, сертификатлаштириш, аккредитация тизимларининг фаолиятини ва ривожланишини ҳамда мазкур соҳаларда илмий-техник ахборотни тарқатиш, шунингдек, уларнинг халқаро, давлатлараро ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштирилишини таъминлаш;

маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг сифати ва ҳавфсизлик талабларига риоя қилиниши ва истеъмолчилар ҳуқуқларини нотўғри ўлчаш натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология сертификатлаштириш ва аккредитация соҳаларида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар ва техник регламентларни жадал жорий этиш орқали уларнинг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш;

маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини, биринчи навбатда, экспорт қилувчи корхоналарда кенг жорий этиш ва маҳсулотларни техник регламентлар ва стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ сертификатлаштиришни амалга ошириш;

экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулотларни сертификатлаштириш масалаларида қулай шароитларни яратиш, халқаро ташкилотлар билан миллий сертификатлар ва мувофиқликни баҳолаш ишлари натижалари асосий экспорт бозорларида тан олинishiга йўналтирилган ҳамкорликни фаоллаштириш;

техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш, сотиладиган маҳсулотлар хавфсизлигини тизимли назорат қилишни таъминлашда уларнинг самарадорлигини ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари турларини кенгайтириш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология масалаларида тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама кўмаклашиш;

техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг талабларига, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлиши ва тўғрилиги таъминланиши, мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига амал қилиниши юзасидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳузурида ташкил этиладиган стандартлаштириш бўйича техник кўмиталарнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларни стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар билан белгиланган тартибда таъминлаш;

стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг халқаро талаблар билан зарур уйғунлаштириш даражасига эришиш.

9. “Ўзстандарт” агентлиги ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”, “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Метрология тўғрисида”, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”, “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалий жиҳатдан амалга оширилишини таъминлаш соҳасида;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан киритилган техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларининг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган таклифлар киритади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг умумий ва махсус техник регламентларни ишлаб чиқишга доир фаолиятини ўз ваколати доирасида мувофиқлаштиради ҳамда ташкил этади;

умумий техник регламентларни тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, мазкур регламентларни бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

махсулотлар ва хизматларнинг техник регламентларда белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган маҳсулот намуналарини олиш, синовлар ва ўлчаш усулларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлайди;

умумий ва махсус техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг талабларига риоя этилиши юзасидан ўз ваколати доирасида давлат назоратини амалга оширади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиради;

маҳсулотлар стандартларини ва уларга ўзгартиришлар, шунингдек, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация бўйича нормалар ва қоидаларни давлат рўйхатидан ўтказиши;

бир турдаги маҳсулотлар учун норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича тармоқ тузилмаларини ташкил этишга кўмаклашади, уларга илмий-методик раҳбарликни таъминлайди;

халқаро ва давлатлараро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантиради;

Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги шартномалар ёки битимларга мувофиқ халқаро (давлатлараро, минтакавий) стандартларни, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларини қўлланиш тўғрисида қарор қабул қилади;

2) стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитациядан ўтказиш, сифат менежменти тизимларини жорий қилиш, халқаро стандартларни қўллаш асосида маҳсулотлар сифатини ва рақобатбардошлилигини ошириш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида, шу жумладан:

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш ва маҳсулотлар сифати менежменти тизимларини жорий жорий этиш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларига ўз ваколатлари доирасида раҳбарлик қилади ва улар фаолиятини мувофиқлаштиради;

янги конун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалдаги конун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

илмий-тадқиқот ишларини амалга оширади;

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация қилишни ривожлаштириш бўйича асосий йўналишларни, концепцияларни, истиқболли дастурларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг миллий эталон базасини шакллантиради ва ривожлантиради, миллий эталонларни халқаро эталонлар ва бошқа давлатларнинг миллий эталонлари билан солиштиради;

фаолият йўналишлари бўйича давлат ёки хўжалик бошқаруви органлари ҳузурида ташкил этиладиган стандартлаштириш бўйича тармоқ техник қўмита тўғрисидаги намунавий низомни ҳамда унинг ишларини ташкил этиш регламентини тасдиқлайди, стандартлаштириш бўйича тармоқ техник қўмиталари уларга мувофиқ, амалдаги стандартлардаги талаблар даражасидан паст бўлмаган янги талаблар жорий этилишини таъминлаш шартларига риоя этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари ва ташкилотлар стандартларини ишлаб чиқади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, стандартлаштириш бўйича тармоқ техника қўмиталарининг, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда, давлат бошқаруви органлари, стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат стандартларини, ташкилотлар стандартларини ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқишнинг ҳар йилги жадвалини тасдиқлайди;

амалдаги стандартларни, махсус техник регламентларни қайта кўриб чиқади ҳамда махсулотларнинг рақобатбардошлилигини ва сифатини таъминламайдиган, шунингдек, қонунчилик талабларига зид бўлган стандартларнинг, махсус техник регламентларни бекор қилиш, амал қилишини чеклаш тўғрисида давлат ёки хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

махсулотларни, ишлаб чиқариш жараёнларини, хизматларни, сифат менежменти тизимларини ва мувофиқликни баҳолаш бўйича ишларни амалга оширадиган ходимларни сертификатлаштириш, ўлчаш ва синаш воситаларини қиёслаш, синаш, турини тасдиқлаш, метрологик аттестациядан ўтказиш, ўлчашларни бажариш методикалари, метрологик экспертизадан ўтказиш, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлиши ва тўғрилигини таъминлаш бўйича норматив ҳужжатларни рўйхатга олиш ҳамда сифат бўйича эксперт-аудиторларни аттестациядан ўтказиш қоидаларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқтайди;

сертификатлаштирилган махсулотларни, ишлаб чиқариш жараёнларини, хизматларни, менежмент тизимларини инспекция назоратидан ўтказиш қоидаларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

рисола, журналлар нашр этади, оммавий ахборот воситаларида ёки ўзининг расмий веб-сайтида маълумотларни эълон қилади;

мувофиқликни баҳолашнинг ягона қоидалари ва тартиб-тамойилларини қўллайди;

аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органларининг хизматларидан фойдаланишга тўсиқлар яратилишига ва улар ўртасидаги рақобатни чеклашга йўл қўймайди.

3) стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация тизимлари фаолият кўрсатишини ва ривожлантирилишини, ушбу соҳалардаги илмий-техника ахборотини тарқатишини, шунингдек, уларнинг халқаро, давлатлараро ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштирилишини таъминлаш борасида:

республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича олиб келинаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш, хорижий мамлакатларнинг сертификатлаштириш натижаларини эътироф этиш ишларини ташкил этади;

Ўз ваколатлари доирасида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш соҳасида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва рўйхатдан ўтказди;

иштрихли кодлаш тизимини жорий этиш сиёсатини амалга оширади ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган товарларнинг Давлат реестрини юритади;

манфаатдор шахсларни маҳсулотларни, синов ва ўлчаш усулларини стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар билан таъминлайди, шунингдек, мазкур соҳалардаги ютуқларнинг илмий-техник тарғиботини амалга оширади;

Ўзига берилган ваколатлар доирасида халқаро, давлатлараро ва миллий норматив ҳужжатлар бўйича маълумотларнинг ягона ахборот базасини яратади;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш ва менежмент тизимларини жорий этиш ишларини амалга оширишнинг умумий талаблари ва қоидаларини белгилайди;

менежмент тизимларини жорий этиш соҳасида мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасида мажбурий равишда сертификатланадиган объектларнинг рўйхатини ва республикадан ташқарида амалга оширилган синаш ва ўлчашлар натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда таклифлар киритади;

эталонларни сақлайди, қўллайди ҳамда катталиклар ўлчамларини беришни амалга оширади;

сертификатлаштирилган маҳсулотлар, хизматлар, ходимлар, менежмент тизимлари, ўлчаш воситалари, синаш воситалари ва ўлчашларнинг бажарилиш услубиёти, сифат бўйича эксперт-аудиторлар давлат реестрларини юритади;

4) маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг сифати ва хавфсизлик талабларига риоя этилиши, нотўғри ўлчаш натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилиш юзасидан истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида:

Ўз ваколатлари доирасида маҳсулот сифати ва хавфсизлиги бўйича мажбурий талабларни белгилайди ҳамда ушбу талабларга риоя этилишини назорат қилади;

техник регламентларга, стандартларга, сертификатлаш қоидаларига, ўлчашлар ягона бирликда бўлишини таъминлашга риоя қилиш масалалари бўйича назорат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

техник регламентлар ва стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлиши ва тўғрилиги, мажбурий сертификатлаштириш қоидалари таъминланишини ташкил этади ва бу борада давлат назоратини амалга оширади;

давлат метрология назоратини амалга оширади;

инсон ҳаёти, соғлиги, жисмоний ва юридик шахслар мулки, атроф-муҳит учун хавfli ва сифатсиз бўлган маҳсулотлар олиб кирилиши, ишлаб чиқарилиши ва реализация қилиниши хавфининг мониторингини юритади;

5) техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш соҳасидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида — техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш соҳасидаги илмий, муҳандис-техник кадрларни, шунингдек, бошқа манфаатдор шахсларни ўқитишни амалга оширади;

б) маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар ва техник регламентларни жадал жорий этиш орқали уларнинг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш соҳасида:

халқаро амалиётни доимий ўрганишни амалга оширади, унинг натижаларига кўра маҳаллий маҳсулотларни замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва уларни ташқи бозорларда рақобатбардошлигини оширишда илгор методларни жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг халқаро стандартларни жорий этиш, техник регламентларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш фаолиятини ўз ваколати доирасида бошқаради ва мувофиқлаштиради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, шунингдек бошқа манфаатдор ташкилотларга техник регламентларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда амалий ёрдам беради, уларни илмий-методик қўлланма билан таъминлайди;

7) маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини, биринчи навбатда, экспорт қилувчи корхоналарда кенг жорий этиш ва саноат маҳсулотларини халқаро стандартларга мувофиқ сертификатлаштиришни амалга ошириш соҳасида:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда корхоналарда замонавий сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш жадвалларини тасдиқлайди ва уларни амалга оширилишини таъминлаш устидан назоратни амалга оширади;

экспортга йўналтирилган маҳсулотларни халқаро стандартларга мувофиқ, шу жумладан халқаро даражада эътироф этилган мувофиқликни баҳолаш органларини жалб этган ҳолда сертификатлаштириш ишларини ташкил этади;

халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий этишнинг афзалликларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб боришни амалга оширади;

8) экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулотларни сертификатлаштириш масалаларида қулай шароитларни яратиш, халқаро ташкилотлар билан миллий

сертификатларни ва синов ҳамда ўлчаш натижаларини асосий экспорт бозорларида эътироф этилишини таъминлашга йўналтирилган ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш соҳасида:

маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга экспорт қилишда мамлакатлар талаблари тўғрисида маълумот берилишида республика корхоналарига амалий ёрдам кўрсатади;

халқаро ва минтақавий ташкилотларда республика манфаатларини ифода этади, миллий сертификатларни ва синаш ҳамда ўлчашлар натижаларини чет давлатларда эътироф этилишига эришиш бўйича чоралар кўради;

халқаро, минтақавий ва давлатлараро ташкилотларга қўшилиш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритади;

9) техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш, реализация қилинадиган маҳсулотлар хавфсизлигини тизимли назорат қилишни таъминлашда уларнинг самарадорлигини ошириш борасида:

реализация қилинадиган маҳсулотлар хавфсизлигини тизимли назорат қилишни таъминлашда техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология тизимларини ривожлантириш, уларни самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни киритади;

техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология тизимларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган чораларни амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология тизимларининг самарадорлигини ошириш бўйича фаолиятини ўз ваколати доирасида бошқаради ва мувофиқлаштиради;

10) замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари турларини кенгайтириш борасида:

стандартлаштириш, метрология, шу жумладан маҳсулотларни, ишлаб чиқариш жараёнларини, хизматларни, менежмент тизимларини, ходимларни сертификатлаштириш ва сифат бўйича эксперт-аудиторларни аттестациядан ўтказиш бўйича дастурий таъминотларини ишлаб чиқади;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, аккредитация ва сертификатлаштириш соҳаларида ягона ахборот маълумотлари базасини ташкил этади ва юритади;

тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари турларини кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

стандартлаштириш, метрология, аккредитация ва сертификатлаштириш соҳасида давлат реестрларининг электрон базасини шакллантиради ва юритади;

маҳсулотларнинг сифати тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда доимий тарзда “қайта алоқа” принципи бўйича ўрганиш натижаларини ёритиб бериш имкониятини берадиган махсус интернет-портални яратишни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталида жойлаштириладиган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш чораларини кўради;

11) техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш соҳасида:

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишларни ўтказиш жадвалларини тасдиқлайди;

маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш борасида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва ва чек қўйиш бўйича ишларни ташкил этади;

техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг талаблари, метрология, сертификатлаштириш қондалари бузилиш фактларини таҳлилини ўтказиш ва ушбу соҳаларда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этишга кўмаклашадиган механизмларни ишлаб чиқади;

техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларининг талаблари, метрология, сертификатлаштириш қондаларини бузилишга олиб келадиган шароитларни ўрганишни ташкил этади, бундай шароитлар қўлланилишини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

тадбиркорлик субъектларига, улар томонидан ҳуқуқбузарликларга йўл қўйиб бўлмагани тўғрисида тушунтиришлар, шунингдек, ҳуқуқбузарликни содир этишга мойил бўлган тадбиркорлик субъектларини содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш ишларини мувофиқлаштиришни амалга оширади;

мажлислар, семинарлар, «очик эшиклар» кунлари, конференциялар ва учрашувлар ўтказиш йўли билан техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини мумкин бўлган бузилишларининг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари ўтказилишини ташкил этади;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиш ва профилактика қилиш чора-тадбирларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб беради;

Агентликнинг техник базасини тегишли модернизация қилиб, мустаҳкамлаб ва янгилаб, ташқи ва ички манбалардан келиб тунадиган маълумотларни таҳлил қилишнинг илгор автоматлаштирилган таҳлил қилиш усулларини жорий этади ва қўллайди;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги масалаларга тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ўз вақтида таништириш ва етказиш бўйича ишларни ташкиллаштиради;

12) техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология масалаларида тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама кўмаклашиш соҳасида:

идоравий бўйсинувидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик фаолияти ва тадбиркорлик субъектлари томонидан сифатли бошқариш тизими ҳужжатларини ишлаб чиқилиш ва жорий этишда кўмаклашиш бўйича ишларни ташкил этади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, метрология коидалари ва сертификатлаштириш коидаларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш ишларини ташкил этади;

13) стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарни ташкил этиш зарурати тўғрисида ташаббусларни илғари суради ва кўрсатмалар киритади;

“Ўзстандарт” агентлигининг идоравий мансуб ташкилотларида стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарни ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳузурида ташкил этиладиган стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг низомларини келишиб беради;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш бўйича ишларда иштирок этади;

стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ҳамкорлигини ривожлантиришни ва ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлайди;

хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлаштириш институтлари ва уларнинг техник қўмиталари билан ўзаро яқин ва фаол ҳамкорликни амалга оширади;

14) манфаатдор томонларни стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар билан таъминлаш соҳасида:

анъанавий технологияларнинг олдinda борувчи имкониятларини, истикболдаги дастлабки талабларни белгилашни ҳисобга олган ҳолда стандартларни ишлаб чиқади;

стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш ва илмий-методик кўрсатмалар беришда кўмаклашади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондиди яратади, юритади ва долзарблаштиради, шунингдек, назорат нусхалари сақлашишни таъминлайди;

стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг ягона ахборот-маълумот базасини ярагади ва кузатиб боради;

стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ўз ваколати доирасида ишлаб чиқади;

давлат стандартлари ва ташкилотларнинг стандартларини экспертизадан ўтказди;

15) стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг халқаро талаблар билан зарур уйғунлаштириш даражасига эришиш соҳасида:

стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар давлат фондиди халқаро меъёрлар билан уйғунлаштириш даражасини ошириш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари, ташкилотнинг стандартларини ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқишнинг ҳар йиллик жадвалларини шакллантиришда иштирок этади ва мувофиқлаштиради;

техник жихатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида халқаро амалиётни доимий равишда ўрганади, унинг натижалари бўйича илғор амалиётларни жорий қилиш бўйича таклифлар киритади;

стандартлаштириш бўйича халқаро техник қўмиталар ва минтақавий ташкилотлар фаолиятида ҳамда давлат стандартларини халқаро даражада гаркатишда фаол иштирок этади.

10. “Ўзстандарт” агентлиги ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзининг ҳудудий бошқармалари ва унга идоравий мансуб ташкилотлар орқали амалга оширади.

2 §. “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппаратининг вазифалари ва функциялари

11. “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппаратининг асосий вазифалари унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан биргаликда “Ўзстандарт” агентлигига юклатилган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилишини ташкил этиш ва таъминлаш ҳисобланади.

12. “Ўзстандарт” агентлигининг марказий аппарати унга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

“Ўзстандарт” агентлиги ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлил жихатидан таъминлайди;

“Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари, фармойишлари, Ҳукумат қарорлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини ва уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

“Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига белгиланган тартибда раҳбарлик қилади, мувофиқлаштиради ва назоратни амалга оширади;

“Ўзстандарт” агентлигининг фаолияти, шу жумладан, қонуни ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий таъминланишини ташкил этади;

“Ўзстандарт” агентлигининг ваколатига тегишли оператив, ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш-хўжалик масалалари ва бошқа масалаларни ҳал этади.

3 §. “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг вазифалари ва функциялари

13. Қуйидагилар “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

республиканинг тегишли ҳудудларида “Ўзстандарт” агентлигига юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш.

14. “Ўзстандарт” агентлигига юкланган вазифа ва функциялар республика ҳудудларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва шаҳарлардаги синов ва сертификатлаштириш марказлари, шунингдек, Департаментнинг ҳудудий инспекторлари томонидан амалга оширилади.

4-боб. “Ўзстандарт” агентлигининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

1 §. “Ўзстандарт” агентлигининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

15. “Ўзстандарт” агентлиги ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, синаш, сертификатлаштириш ва аккредитация соҳасидаги масалаларни ҳал этиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлар мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этиш;

қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш ҳамда маҳсулотлар сифатини бошқариш масалалари бўйича қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан хулосалар бериш;

“Ўзстандарт” агентлигининг ваколатига қирадиган масалаларда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

“Ўзстандарт” агентлиги ваколатига қирадиган масалаларни ҳал этиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

“Ўзстандарт” агентлиги ваколатига қирадиган масалалар бўйича зарур статистик ахборотни давлат статистика органларидан бепул олиш;

“Ўзстандарт” агентлиги ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида унга идоравий мансуб ташкилотлар ва ҳудудий бўлинмаларининг давлат мулкини бир бўлинмадан бошқасига белгиланган тартибда бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш;

“Ўзстандарт” агентлиги, унга идоравий мансуб ташкилотлар ва ҳудудий бўлинмалар ходимларини томонидан тегишли соҳада улар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари параметрлари бажарилиши ҳисобга олинган ҳолда, ижтимоий муҳофаза қилиш ва моддий рағбатлантириш тартиби, миқдори ва шартларини белгилаш;

“Ўзстандарт” агентлиги, унинг идоравий мансуб ташкилотлари ва ҳудудий бўлинмалари ходимларини тегишли соҳада уларнинг фаолиятини асосий

кўрсаткичлари бўйича параметрлар улар томонидан бажарилишини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тартиби, ўлчамлари ва шарт-шароитларини аниқлаш;

“Ўзстандарт” агентлиги ваколатига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

“Ўзстандарт” агентлиги ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

“Ўзстандарт” агентлиги ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ифодалаш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида эксперт комиссияларини ташкил этиш;

ўз ваколати доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни экспертизадан ўтказиш;

ўз ваколати доирасида умумий ва махсус техник регламентларни ишлаб чиқиш;

ўз ваколати доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник регламентларни тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, кўрсатилган регламентларни бекор қилиш;

стандартлаштириш бўйича тармоқ ва тармоқлараро техник қўмиталарни ташкил қилишда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда иштирок этиш;

давлат назорати натижаларини таҳлил қилиш асосида маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда сифат тизимларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар киритиш;

стандартлаштириш, метрология, республика иқтисодиёти учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган маҳсулотларни синаш ва сертификатлаштириш муаммоларини кўриб чиқиш бўйича вақтинчалик илмий-техника комиссиялари тузиш;

назорат қилинаётган маҳсулотлар кўрсаткичларининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш мақсадида сотиш ва саклаш корхоналарида назорат харидини ўтказиш йўли билан маҳаллий маҳсулотлар сифатининг давлат назоратини амалга ошириш;

“Ўзстандарт” агентлиги хузури стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус жамғармаси маблағларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

техник регламентлар, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш қоидалари бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик чораларини қўллаш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ва сифатини таъминламайдиган ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган норматив ҳужжатларни бекор қилиш, уларнинг амал қилиш муддатини чеклаш ёки қайта

кўриб чиқиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган қарорларни белгиланган тартибда қабул қилиш;

поширлик фаолиятини амалга ошириш;

халқаро (давлатлараро) стандартлар ва бошқа мамлакатларнинг миллий стандартларини, шу мамлакатлар билан тузилган шартнома ва келишувларга мувофиқ, расмий эълон қилиш, тарқатиш ва нашр этиш ҳамда қайта нашр этиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация соҳасида халқаро лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

мувофиқлик сертификатлари бланklarини, сертификатлаштириш тизимида қўлланиладиган мувофиқлик белгиси шаклини ва ўлчамларини тасдиқлаш;

мажбурий сертификатлаштириш талабларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

қонунчилик нормалари бузилганлиги учун мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгиларини амал қилишини тўхтатиб туриш ва бекор қилиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида қонун ҳужжатларининг бузилиш аломатлари аниқланган ҳолатларда, хўжалик юритувчи субъектлардан зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни сўраш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қонунчилик бузилишларини бартараф этиш ва (ёки) уларнинг оқибатларини бартараф этиш, дастлабки ҳолатини тиклаш тўғрисида қонунчиликда белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектлар, давлат идораларига, уларнинг мансабдор шахсларига бажариш учун мажбурий бўлган кўрсатмаларни бериш, шунингдек берилган кўрсатмаларнинг бажарилишини назорат қилиш.

“Ўзстандарт” агентлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. “Ўзстандарт” агентлиги белгиланган тартибда ўз ваколати доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақлидир.

“Ўзстандарт” агентлиги, зарур ҳолларда, белгиланган тартибда бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

17. “Ўзстандарт” агентлиги:

“Ўзстандарт” агентлигига юкланган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилиши, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, ўлчамларнинг ягона бирликда бўлиши таъминлаш ва сертификатлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини амалда амалга ошириш;

“Ўзстандарт” агентлигининг фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларга эришилишини сўзсиз таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-ҳуқуқий

ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги томонидан қабул қилинадиган буйруқлар амалга оширилишининг сифати, пировард натижалари ва оқибатлари;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлиши таъминлаш ва сертификатлаштириш тизимини ривожлантириш бўйича, шунингдек кўрсатилган соҳаларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва улардаги муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “Йўл хариталари” ва бошқа ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиниши ва риоя этилишини таъминланиши учун жавоб беради,

2 §. “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппаратининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

18. “Ўзстандарт” агентлигининг марказий аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

“Ўзстандарт” агентлиги марказий аппаратида кўриб чиқиладиган масалалар, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмаларидан ва идоравий мансуб ташкилотларидан сўраш ва олиш;

“Ўзстандарт” агентлигида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун, зарурат бўлганда, “Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари вакилларини белгиланган тартибда жалб қилиш, шу мақсадда эксперт ва ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

“Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакиллари иштироқида белгиланган тартибда йиғилишлар ўтказиш;

“Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларига жадал ҳал қилиниши талаб этиладиган ва “Ўзстандарт” агентлигига юкланган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

қабул қилинган қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги ва унинг раҳбариятини ҳужжат ва топшириқларини “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан бажарилиши юзасидан уларнинг фаолиятини белгиланган тартибда ўрганиш ва текшириш;

“Ўзстандарт” агентлигининг марказий аппарати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. “Ўзстандарт” агентлигининг марказий аппарати:

“Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан биргаликда “Ўзстандарт” агентлигига юкланган вазифа ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

“Ўзстандарт” агентлигининг фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппарати бўлинмаларининг ишини ташкил этиш;

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг тайёрланиши сифати ва экспертизадан ўтказилиши;

техник жihatдан тартибга солиш, стандартлаштириш, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлиши таъминлаш ва сертификатлаштиришни ривожлантириш бўйича, шунингдек, кўрсатилган соҳаларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва улардаги муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича турли дастурларнинг ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан амалга оширилишини ташкил этиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиниши ва риоя этилишини таъминланиши учун жавоб беради.

3 §. “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

20. “Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳудудий бўлинмаларидан ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

“Ўзстандарт” агентлигининг ваколатига тааллуқли бўлган соҳада энг муҳим муаммоларини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш бўйича ҳудудий даражада идоралараро комиссиялар ва кенгашлар тузиш;

“Ўзстандарт” агентлиги ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кўриб чиқиши учун таклифлар киритиш;

“Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари:

“Ўзстандарт” агентлигининг бошқа ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлари билан биргаликда “Ўзстандарт” агентлигига юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

“Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш;

“Ўзстандарт” агентлигига киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифлар, шунингдек, “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг амалга оширилиши сифати, пировард натижалари ва оқибатлари;

республика ҳудудларида юзага келган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида техник жihatдан тартибга солиш, стандартлаштириш, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш ва сертификатлаштириш соҳаларини ривожлантиришга доир таклифларни тайёрлаш;

техник жihatдан тартибга солиш, стандартлаштириш, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлиши таъминлаш ва сертификатлаштириш соҳаларини ривожлантириш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида самарали амалга ошириш, кўрсатилган соҳаларда ҳудудларнинг муаммоли масалаларини ҳал этиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиниши ва риоя этилишини таъминланиши учун жавоб беради.

5-боб. “Ўзстандарт” агентлиги раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари

22. Қуйидагилар “Ўзстандарт” агентлиги бош директорининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

2) “Ўзстандарт” агентлиги фаолиятига яқкабошчилик асосида умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан “Ўзстандарт” агентлигига юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган “Ўзстандарт” агентлигининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс чора-тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

4) “Ўзстандарт” агентлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бўлинмалари, шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги ваколатига қирувчи масалалар бўйича тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг

Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг топшириқларини бажариш;

7) ўз ўринбосарлари ваколатини белгилаш, улар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш, “Ўзстандарт” агентлигининг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, “Ўзстандарт” агентлиги фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий масъулияти даражасини белгилаш;

8) “Ўзстандарт” агентлиги фаолиятини режалаштирилишини ташкил этиш, “Ўзстандарт” агентлиги ва ўз ўринбосарларининг ҳар чорақлик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб бориш, “Ўзстандарт” агентлиги фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш бўйича чора-тадбирларни қабул қилишнинг амалий тизимини яратиш;

10) “Ўзстандарт” агентлиги ходимларини тизимли қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

11) “Ўзстандарт” агентлиги тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, “Ўзстандарт” агентлигининг кадрлар захирасини шакллантириш;

12) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, “Ўзстандарт” агентлигига ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

13) фаолият соҳасидаги масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини, уларнинг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлаб чиқилиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

14) “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи, ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг Памунавий

регламентига мувофиқ “Ўзстандарт” агентлигининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

15) “Ўзстандарт” агентлиги ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, зарур бўлганда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

16) “Ўзстандарт” агентлиги тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий экспертизадан ва бошқа экспертизадан нухта ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти белгиланган муддатларда уларни келишиш (виза қўйиш);

17) “Ўзстандарт” агентлиги раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини белгиланган талабларга тўлиқ мувофиқликда ташкил этиш ва амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

18) ўз ўринбосарлари ва ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, “Ўзстандарт” агентлиги хайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

19) “Ўзстандарт” агентлиги ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолишининг мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

20) “Ўзстандарт” агентлиги ходимлари томонидан Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган “Ўзстандарт” агентлиги ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

21) “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ “Ўзстандарт” агентлиги тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

22) “Ўзстандарт” агентлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

23) аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилишда, шу жумладан, “ягона дарча” принципини жорий этиш орқали давлат хизматлари сифати ва самарадорлигини ҳамда улардан эркин фойдаланишни ошириш ҳамда “Электрон ҳуқумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

24) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакиллари мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

25) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида “Ўзстандарт” агентлиги ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

26) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонуни ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

27) “Ўзстандарт” агентлиги ваколатига киралган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ва “Ўзстандарт” агентлигига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун шахсий жавобгар бўлиш;

28) “Ўзстандарт” агентлиги ходимлари томонидан бажариш учун мажбурий бўлган буйруқлар, қарорлар, фармойишлар, қўлланмалар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

29) белгиланган чекланган умумий сон доирасида “Ўзстандарт” агентлигининг марказий аппарати, шунингдек, ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг иттифак жадвалини ва харажатлар сметасини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

30) “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг низомларини (уставларини) белгиланган тартибда тасдиқлаш;

31) “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппарати ходимларини, “Ўзстандарт” агентлиги тизимига кирувчи ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш;

32) техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, ўлчауларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш, мувофиқликни баҳолаш, сертификатлаштириш, аккредитация ва давлат назорати юзасидан идоралар билан ҳамкорлик масалалари бўйича идоралараро тусдаги халқаро, давлатлараро шартномаларнинг белгиланган тартибда имзоланиши;

“Ўзстандарт” агентлигининг Бош директори қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

23. Қўйидагилар “Ўзстандарт” агентлиги Бош директор ўринбосарларининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуни талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

2) “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори вақтинча бўлмаганда тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

3) мутасаддилик қиладиган “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари

ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш;

4) “Ўзстандарт” агентлиги фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган, давлат бошқаруви органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

5) мутасаддилик қилинадиган ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чора-тадбирларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

6) таркибий ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарларининг ҳар чораклик режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишини таъминлаш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун таркибий, бўлинмалар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича чоралар кўриш;

8) “Ўзстандарт” агентлиги ҳайъати қарорлари, “Ўзстандарт” агентлиги Бош директорининг буйруқ ва топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

9) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича “Ўзстандарт” агентлиги Бош директорига таклифлар бериш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш бўйича чоралар кўриш, ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларда кадрлар захирасини шакллантириш;

10) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ташкиллаштириш, “Ўзстандарт” агентлиги Бош директорига томонидан кейинчалик кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва виза қўйиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти талабларига қатъи мувофиқ тарзда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги Бош директорининг топшириғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

11) “Ўзстандарт” агентлигига тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва таклифларни тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларнинг пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизасини ўтказиш;

12) белгиланган талабларга тўлиқ мувофиқликда хизмат сафарларини амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш, хизмат сафари сарфларига ажратилган маблағларни мақсадли ва оқилона ишлатиш;

13) идоравий мансуб ташкилотлар ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлигини ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, “Ўзстандарт” агентлиги хайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

14) фаолият соҳасига тегишли масалалар бўйича “Ўзстандарт” агентлиги фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чора-тадбирлар кўриш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни “Ўзстандарт” агентлиги раҳбариятига киритиш;

15) ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифларни “Ўзстандарт” агентлигининг раҳбариятига киритиш, функционал вазифалар ва юклатилган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш;

16) Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланадиган давлат бошқаруви органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига амал қилиши, идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбарлари ва ходимлари томонидан кўрсатилган қоидаларга амал қилинишини таъминлаш;

17) “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг талабларига мувофиқ “Ўзстандарт” агентлиги тизимидаги коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни олдини олиш юзасидан чоралар кўриш, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли орқали уларнинг содир этилишини келтириб чиқарадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

18) “Ўзстандарт” агентлиги Бош директорида давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги, сифатини ошириш ва очиклиги юзасидан таклифлар киритиш;

19) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунали Низомда белгиланган тартиб ва муддатларда жисмоний ва юридик шахслар вакиллари мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

21) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

24. Қуйдагилар “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппарати тизим ташкилотлари бошлиқларининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

2) таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкиллаштириш;

3) “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг ўз ваколатлари доирасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

4) прогноз кўрсаткичлари бажарилиш жараёнларини мунтазам таҳлил қилиш ва ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар томондан кўрсатилган кўрсаткичларни сўзсиз эришилишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиш бўйича таклифларни “Ўзстандарт” агентлиги Бош директорининг мутасадди ўринбосарларига такдим этиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқ ва ҳужжатларининг бажарилишини таъминлаш. “Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг ходимлари томонидан ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича чоралар кўриш;

6) “Ўзстандарт” агентлиги ҳайъати қарорлари, “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори ва унинг ўринбосарларининг буйруқ ва топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) ҳар чораклик иш режаларни ишлаб чиқишни таъминлаш, уларни тасдиқлашга киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

8) таркибий ташкилотларга юклатилган вазифаларни бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, ҳудудий бўлинмалар ва “Ўзстандарт” агентлигининг идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

9) фаолият масалалари юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун “Ўзстандарт” агентлиги раҳбариятига киритиш;

10) таркибий ташкилотларда кадрларни танлаш ва жойлаштиришда “Ўзстандарт” агентлиги Бош директорининг ўринбосарларига таклифлар бериш, уларнинг касбий стуклиги, ваколатлилиги, амалий тажрибаси, ишбилармонлик ва одоб-ахлоқ сифатлари юқори даражаси қафолатланганлигини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш юзасидан чоралар кўриш, таркибий ташкилотларда кадрлар заҳирасини шакллантириш;

11) тизим ташкилотлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқирилишини ташкиллаштириш, “Ўзстандарт” агентлиги раҳбарияти томонидан кейинчалик кўриб чиқирилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун “Ўзстандарт” агентлиги таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва виза қўйиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти талабларига қатъи мувофиқ тарзда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини

таъминлаш, шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги раҳбарларининг топшириғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

12) “Ўзстандарт” агентлигига топширилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва таклифларни тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларнинг ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

13) белгиланган талабларга тўлиқ мувофиқликда хизмат сафарларини амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва маҳсулдорлигини таъминлаш, хизмат сафари сарфлари учун ажратилган маблағларни мақсадли ва рационал ишлатиш;

14) таркибий ташкилотлар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва маҳсулдорлигининг танқидий таҳлилини мунтазам ўтказиш, уларнинг мажлислардаги шахсий ҳисоботларини эшитиш, натижалар юзасидан зарур бўлган чораларни қабул қилиш;

15) Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланадиган, “Ўзстандарт” агентлиги ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилиши, тизим ташкилотларининг ходимлари томонидан кўрсатилган қоидаларга амал қилинишини таъминлаш;

16) “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг талабларига мувофиқ “Ўзстандарт” агентлиги тизимидаги коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни олдини олиш юзасидан чоралар кўриш, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли орқали, уларнинг содир этилишини келтириб чиқарадиган, сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, баргараф этиш;

17) “Ўзстандарт” агентлиги раҳбариятига давлат хизматларини кўрсатиш самарадорлиги, сифатини ошириш ва очиклиги юзасидан таклифлар киритиш;

18) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунали Низомда белгиланган тартиб ва муддатларда, жисмоний ва юридик шахслар вакиллари мунтазам равиюда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

20) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

25. Қуйидагилар “Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

2) “Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармони ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек “Ўзстандарт” агентлигининг ҳужжатлари билан юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

3) ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларига эришилишини сўзсиз таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

4) ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар таркибига қирадиган бўлинмалар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқ ва ҳужжатлари бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ҳудудий бўлинмалар ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш юзасидан чоралар кўриш;

6) “Ўзстандарт” агентлиги ҳайъатининг қарорлари, “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори ва унинг ўринбосарларини буйруқ ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) “Ўзстандарт” агентлиги фаолияти соҳасига қирадиган масалалар юзасидан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш секторлари билан биргаликда иш олиб бориш;

8) ўз ўринбосарлари ваколатини белгилаш, улар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш, ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг “Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятининг айрим участкаларига раҳбарлик қилиш учун шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

9) “Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, “Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиш жараёнини назорат қилишни таъминлаш;

10) “Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шароитларни яратиш, ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

11) “Ўзстандарт” агентлиги Бош директорининг номенклатурасига қирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрлар, шунингдек, ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларга ишга қабул қилинадиган бошқа кадрларнинг касбий етуқлиги, ваколатлиги, амалий тажрибаси, ишбилармонлик ва одоб-ахлоқ сифатлари юқори даражаси кафолатланганлигини таъминлаш;

12) ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жазога тортиш масалаларини ҳал этиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жазога тортиш тўғрисида, шу жумладан уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида масалаларни кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

13) Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро қувви хокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган “Ўзстандарт” агентлиги ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг ходимлари томонидан амал қилинишини таъминлаш;

14) “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг талабларига мувофиқ “Ўзстандарт” агентлиги тизимидаги коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни олдини олиш юзасидан чоралар кўриш, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли орқали, уларнинг содир этилишини келтириб чиқарадиган, сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

15) прогноз кўрсаткичлари бажарилиш жараёнларини мунтазам таҳлил қилиш ва ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар томондан кўрсатилган кўрсаткичларга сўзсиз эришилишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиш бўйича таклифларни “Ўзстандарт” агентлиги Бош директорининг мутасадди ўринбосарларига тақдим этиш;

16) ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларининг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда таъкидий таҳлил қилиш, уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

17) ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг фаолиятига оид масалалар бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун “Ўзстандарт” агентлигининг раҳбариятига киритиш;

18) жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда, жисмоний ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан жойларга бориб қабул қилиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан келиб тушган муурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

20) идоравий мансуб ташкилотларнинг ходимлари лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифларни “Ўзстандарт” агентлигига киритиш;

21) давлат сирини ёки конун билан кўрикланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг химоя қилинишини таъминлаш.

6-боб. “Ўзстандарт” агентлиги раҳбарларининг жавобгарлиги

26. “Ўзстандарт” агентлигининг Бош директори:

- 1) “Ўзстандарт” агентлигига юклаган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;
- 2) ушбу Низомда кўзда тутилган “Ўзстандарт” агентлигининг жавобгарлик соҳалари бўйича;
- 3) ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

27. “Ўзстандарт” агентлиги Бош директорининг ўринбосарлари:

- 1) “Ўзстандарт” агентлигининг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида “Ўзстандарт” агентлигига юклаган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши;
- 2) назорат қилинадиган масалалар қисмида, ушбу Низомда кўзда тутилган “Ўзстандарт” агентлигининг жавобгарлик соҳалари бўйича;
- 3) ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

28. “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари:

- 1) тегишли таркибий бўлинмаларга юклаган вазифа ва функцияларнинг амалга оширилиши;
- 2) ушбу Низомда кўзда тутилган, “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппаратининг жавобгарлик соҳалари бўйича;
- 3) ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

29. “Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг раҳбарлари:

- 1) ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларга юклатилган вазифа ва функцияларнинг амалга оширилиши;
- 2) ушбу Низомда кўзда тутилган “Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг жавобгарлик соҳалари бўйича;
- 3) ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

7-боб. “Ўзстандарт” агентлиги фаолиятини ташкил этиш

1 §. “Ўзстандарт” агентлигининг раҳбарияти

30. “Ўзстандарт” агентлигига мақомига кўра вазирга тенглаштирилдиган Бош директор раҳбарлик қилади.

Бош директорнинг уч нафар, шу жумладан биринчи ўринбосари бўлади. Бош директорнинг биринчи ўринбосари ва Бош директорнинг ўринбосарлари мақомига кўра тегишли тарзда вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарига тенглаштирилади.

“Ўзстандарт” агентлигининг Бош директори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади, “Ўзстандарт” агентлиги Бош директорининг ўринбосарлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинадилар.

31. Бош директор, Бош директорнинг биринчи ўринбосари ва Департамент бошлиғи айни бир вақтда лавозимига кўра, тегишли равишда стандартлар ва ўлчашларни ягона бирликда бўлишини таъминланишини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат бош инспектори ва давлат бош инспекторининг ўринбосари ҳисобланадилар.

32. “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори:

“Ўзстандарт” агентлиги фаолиятига яққабошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади;

“Ўзстандарт” агентлиги ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ва “Ўзстандарт” агентлигига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарлари ваколатини белгилайди, “Ўзстандарт” агентлиги тизими бошқа мансабдор шахслари ваколатларини, ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг “Ўзстандарт” агентлиги фаолиятининг айрим участкаларига раҳбарлик қилиш ва ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг иши учун жавобгарлиги даражасини белгилайди;

“Ўзстандарт” агентлиги тизими ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар, йўриқномалар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппарати, шунингдек, ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг штатлар жадвалини ҳамда харажатлар сметасини тасдиқлайди;

зарурат бўлганда, бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган штат сони чегарасида агентликнинг марказий аппарати ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари тузилмасига ўзгартиришлар киритади;

молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, ўз маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган идоравий мансуб ташкилотлар бошқарув ходимларининг чекланган сонини белгилайди;

“Ўзстандарт” агентлигининг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек “Ўзстандарт” агентлиги тизимига кирувчи бошқа ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

“Ўзстандарт” агентлиги марказий аппарати ва “Ўзстандарт” агентлиги тизимига кирувчи бошқа ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар техник қўмиталарининг мутахассисларини, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва ўқув муассасаларининг мутахассисларини жалб этади, шунингдек юқори малакали хориж мутахассисларини ишга қабул қилади ҳамда уларга эркин конвертация қилинадиган валютада иш ҳақи миқдорлари ва бошқа тўловларни тайинлайди;

кўшимча тарзда, ўзининг хизмат мажбуриятларини виждонан ва самарали бажарувчи, агентлик ва Департаментнинг юқори малакали, ташаббускор ходимларига “Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг икки қарра миқдоригача ҳар ойлик устама тўловлар тўлаб беради:

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, сифат ва давлат назорати органлари билан ҳамкорлик масалалари юзасидан идоралараро тусдаги халқаро, давлағлараро шартномаларни белгиланган тартибда имзолайди;

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

2 §. “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг худудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби

33. “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг худудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни таъминлашни марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари амалга оширади.

34. “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари “Ўзстандарт” агентлиги худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ўз фаолияти йўналишлари бўйича:

1) топшириқларни худудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларга етказиши ҳамда уларнинг бажарилиш жараёнини назорат қилади;

2) таркибий бўлинмаларнинг тўғридан-тўғри фаолияти масалалари бўйича “Ўзстандарт” агентлиги худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларига сўровномалар жўнатади ҳамда уларнинг ижросини назорат қилади;

3) “Ўзстандарт” агентлиги худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини текширади ва ўрганади, амалиётини умумлаштиради, уни такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва қабул қилади;

4) “Ўзстандарт” агентлиги худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистик ва бошқа маълумотларни ўрганишни ташкил этади;

5) “Ўзстандарт” агентлиги худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради;

6) “Ўзстандарт” агентлиги худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан келиб тушган таклифларни кўриб чиқади;

7) “Ўзстандарт” агентлиги худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этишини ташкил, улардан келиб тушган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқади.

35. “Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорликда иш олиб боради, шу жумладан:

1) “Ўзстандарт” агентлиги раҳбариятининг топшириқларининг бажарилиши тўғрисида ҳисоб беради;

2) фаолият соҳасида белгиланган қонунчиликни амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида ахборотларни марказий аппаратга тақдим этади;

3) уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган ишдаги камчиликларни ва қоидабузарликларни баргараф этиш натижалари тўғрисида ахборот беради;

4) “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппаратига ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этади;

5) “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппаратига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларини, шу жумладан, аҳолининг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган таклифларни юборади;

6) комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш натижалари тўғрисида ахборот беради;

7) ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида ахборот беради.

36. “Ўзстандарт” агентлиги марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар “Ўзстандарт” агентлиги Бош директорининг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбосари томонидан кўриб чиқилади. Агар кўрсатиб ўтилган кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, улар бўйича қарор бевосита “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори томонидан қабул қилинади.

3 §. “Ўзстандарт” агентлигининг бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик тартиби

37. “Ўзстандарт” агентлиги ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

38. “Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

39. “Ўзстандарт” агентлиги ҳудудий бўлинмалари тегишли ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари билан ўзаро узвий ҳамкорлик қиладилар.

40. “Ўзстандарт” агентлигининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қотибияти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг бўлинмалари томонидан мувофиқлаштирилади.

4 §. “Ўзстандарт” агентлигининг ҳайъати, бошқа кенгаш, маслаҳат эксперт органлари

41. “Ўзстандарт” агентлигида Бош директор (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг аъзолари сони ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат қуйидагилар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади:

“Ўзстандарт” агентлиги фаолиятининг стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, халқаро стандартларни, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича халқаро стандартларни қўллаш асосида маҳаллий маҳсулотлар сифатини ва уларнинг рақобатбардошлилигини ошириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, шунингдек, стандартлаштириш тизимлари фаолият кўрсатишини ва ривожлантирилишини, ўлчашларни ягона бирликда бўлишини, сертификатлаштиришни, ушбу соҳалардаги илмий-техник ахборотни тарқатиш, шунингдек уларнинг халқаро, давлатлараро ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштирилишини таъминлаш бўйича ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

“Ўзстандарт” агентлиги номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш ва уларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун “Ўзстандарт” агентлиги раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат “Ўзстандарт” агентлиги ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Ҳайъат мажлисига “Ўзстандарт” агентлиги ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

Ҳайъат унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ҳайъат қарорлари бош директорнинг буйруқлари билан амалга оширилади. Бош директор ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда, бош директор пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хабар қилишлари мумкин.

Ҳайъат фаолияти тартиби унинг ҳайъат тасдиқлайдиган регламентида белгиланади.

42. “Ўзстандарт” агентлиги ва Департаментнинг зиммасига давлат назоратини амалга ошириш юкланган бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, мутахассислари лавозимига кўра айти бир вақтда стандартлар ва ўлчашларни ягона birlikда бўлишини таъминлашнинг юзасидан назорат бўйича давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

43. Стандартлар ва ўлчашларни ягона birlikда бўлиши устида давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар “Ўзстандарт” агентлиги томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилиши керак.

8-боб. “Ўзстандарт” агентлиги фаолиятини молиялаштириш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш

44. “Ўзстандарт” агентлиги, Департамент, Стандартиштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтининг фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

45. “Ўзстандарт” агентлиги, унинг идоравий мансуб ва ҳудудий бўлинмаларининг мансабдор шахсларининг иш ҳақи лавозим маоши, узок муддат хизмат қилгани учун устамалар, дам олиш ва байрам кунлари ишлаганлик учун тўловлар, мукофотлар, кўшимчалардан иборат ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

46. “Ўзстандарт” агентлигининг марказий аппарати ходимларига қуйидагилар ҳисобидан:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қуйидагилар тўланади:

узок муддат хизмат қилгани учун ҳар ойда қуйидаги миқдорда устама ҳақлар (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига нисбатан коэффициент ҳисобида):

2 йилдан 5 йилгача – 0,1;

5 йилдан 10 йилгача – 0,2;

10 йилдан 15 йилгача – 0,3;

15 йилдан 20 йилгача – 0,4;

20 йилдан 25 йилгача – 0,5;

25 йилдан ортиқ – 0,6.

Узок муддат хизмат қилгани учун ҳақ олиш ҳуқуқини берувчи мукофотлар “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади:

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мукофотлар, тўловлар ва устамалар;

б) Қуйидагилар “Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги Стандартиштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш бўйича махсус фонддан:

ўзининг хизмат мажбуриятларини виждонан ва самарали бажарган “Ўзстандарт” агентлиги ва Департаментнинг юқори малакали, ташаббускор ходимларига кўшимча меҳнат ҳақини тўлаш фондинини икки баравар миқдорда ҳар ойлик устамалар:

Йиллик иш натижалари бўйича мукофотлаш. Мукофотлаш миқдори беш лавозим ойлик ҳақиғача маошларни ўз ичига олади ва “Ўзстандарт” агентлиги томондан белгиланган тартибда белгиланади;

лавозим ойликларига устамалар ва бошқа рағбатлантириш тўловлари қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа устамалар ва тўловлардан қатъи назар, ҳар ой “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори томондан белгиланадиган миқдорда тўлаб берилади.

47. Қуйидагилар “Ўзстандарт” агентлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни асосий турлари ҳисобланади:

прогноз кўрсаткичларни бажариш ва ортиги билан бажариш учун ой, чорак ва ярим йиллик ишлар натижалари бўйича, шунингдек, байрам кунлари учун мукофотлаш;

ўта муҳим вазифаларни бажарганлик учун алоҳида мукофотлаш ва бошқа рағбатлантириш тўловлари;

иш қисмининг муҳимлиги ва қийинлиги ва меҳнатда юқори натижаларга эришганликлари учун ходимларнинг лавозим ойлигига устамалар тўлаш;

хизмат мажбуриятларини бажаришда муҳим хизматлар учун ва нафақага кетиш юзасидан қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаш;

фаолият самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари бажарилишини таъминлаш учун белгиланадиган “Ўзстандарт” агентлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг лавозим ойликларига ҳар ойлик шахсий устамалар;

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан белгиланадиган тартибда уй-жой ва автотранспорт воситаларини харид қилиш учун кредитларнинг дастлабки тўловларини тўлаш учун қайта молиялантириш ставкасидан 50 фоиз миқдоридаги фоиз ставкаси билан, энг кам иш ҳақининг икки юз миқдоридан ошмайдиган миқдорда ходимларга қарз бериш;

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан белгиланадиган тартибда республиканинг бошқа ҳудудларидан жалб этиладиган, ўзининг уй-жойига эга бўлмаган ходимларга уй-жой ижара шартномасига мувофиқ харажатлар ўрнини қоплаш.

48. “Ўзстандарт” агентлиги ва Департамент ходимларига иш ҳақини, шу билан бирга мукофот пулини тўлаш манбалари этиб бюджет ажратмалари ҳисобига шакллантириладиган меҳнат ҳақи фонди, шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус жамғарма ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

9-боб. “Ўзстандарт” агентлигининг Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдидаги ҳисоботи

49. “Ўзстандарт” агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради ҳамда:

Ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритади:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда таклифлар, тавсиялар ва таҳлилий материалларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш учун тайёрланишини таъминлайди:

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги тизимларни тайёрлаш, жорий этиш ва самарадорлигини баҳолаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига республикада иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар стратегиясидан келиб чиқиб, ушбу тизимларни самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар киритади:

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш тизимларини энг муҳим йўналишлар ҳамда вазифаларнинг амалдаги ижроси ҳамда мазкур соҳаларда мавжуд тизимли муаммолар ва камчиликларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раҳбариятида томонидан мунтазам равишда кўриб чиқилишини ташкил қилади;

белгиланган тартибда бошқа функцияларни амалга оширади.

10-боб. Яқунловчи қондалар

50. “Ўзстандарт” агентлигини қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 24 апрелдаги 348 -сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш,
сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя
қилинишини таъминлаш департаменти тўғрисида низом**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаментининг (кейинги ўринларда Департамент деб аталади) асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқларини ва жавобгарлигини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (кейинги ўринларда “Ўзстандарт” агентлиги деб аталади) бош директорининг буйруқлари ва кўрсатмаларига амал қилади.

3. Департамент давлат органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи назорат органлари, подавлат нотижорат ташкилотлари, хорижий, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

4. Департамент юридик шахс ҳисобланади, ўзининг номи давлат тилида ёзилган, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳр ва бланкаларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигида шахсий ҳисобварақларига ва қонунчиликка мувофиқ очиладиган бошқа банк ҳисобварақларига эга бўлади.

5. “Ўзстандарт” агентлиги Департаментнинг фаолиятига умумий раҳбарлик ва назорат қилади.

6. Департамент техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳаларида қонуний талабларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, техник регламентларга, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларга, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлиши ва тўғрилигини таъминлаш, мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этиш бўйича давлат назоратини (кейинги ўринларда давлат назорати деб аталади) амалга оширади.

7. Давлат назорати Департамент давлат инспекторлари томонидан қонунчиликда белгиланган шартларда ҳамда тартибда амалга оширилади.

8. Департаментнинг давлат инспекторлари олий маълумотга эга бўлишлари ва "Ўзстандарт" агентлиги томонидан мажбурий аттестациядан белгиланган тартибда ўтишлари керак.

9. Давлат назоратини амалга оширувчи давлат инспекторлари давлат бошқаруви органлари вакиллари ҳисобланади, давлат ҳимоясида ва жойлардаги давлат бошқаруви органларидан мустақил бўлади ҳамда бевосита Департаментга бўйсинадилар.

10. Департаментнинг ўз ваколати доирасига тааллуқли бўлган масалалар юзасидан қабул қилинадиган ва ўрнатилган тартибда қабул қилинган қарорлари, мулкчилик шаклидан ва идоравий мансублигидан катъи назар, хўжалик ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

11. Департаментнинг жойлашган жойи (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Зафаробод кўчаси, 7а.

2-боб. Департаментнинг асосий вазифалари ва функциялари

12. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонун ҳужжатлари бузилиши олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш;

б) техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология масалалари бўйича тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама кўмаклашиш;

в) техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар талабларига, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини ва ўлчашларнинг тўғрилигини таъминлаш, мажбурий сертификатлаштириш қондаларига риоя этиш юзасидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

г) техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ва уларни келтириб чиқаришга асос бўлувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш.

13. Юқланган вазифаларни амалга ошириш учун Департамент қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш соҳасида:

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш графиклари ва режаларини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

давра суҳбатлари, семинарлар, конференция ва учрашувлар ўтказиш йўли билан техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишини олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини амалга оширади;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонун бузилишининг олдини олиш ва профилактикаси бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ёритади;

“очик эшиклар” куни ўтказиш орқали зарур ахборотни тадбиркорлик субъектларига етказди;

тадбиркорлик субъектларини техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонунчилик талаблари ақс этган гаркамга материаллар билан таъминлайди;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига услубий раҳбарликни амалга оширади;

техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлиши ва ўлчашларнинг тўғрилигини таъминлаш талабларининг, мажбурий сертификатлаштириш қондаларининг бузилиш ҳолатларини аниқлайди ва қонунчилик талабларига риоя этишга кўмаклашувчи тегишли чоралар кўради, механизмларни ишлаб чиқади;

Департаментнинг техник базасини тегишли равишда модернизациялаш, мустаҳкамлаш ва янгилан орқали ташқи ва ички манбалардан келиб тушадиган маълумотлар таҳлилининг автоматлаштирилган илғор усулларини жорий этади ва кўлайди;

маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришда ва реализация қилишда ҳуқуқбузарликларни ўрнатилган тартибда аниқлашни, уларнинг олдини олишни ташкил этади ва амалга оширади;

техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини ва ўлчашларнинг тўғрилигини таъминлаш талабларининг, мажбурий сертификатлаштириш қондаларининг бузилишини яшириш механизмларини ўрганиш ва аниқлашни ташкил этади, амалга оширади ва кўрсатилган механизмларни қўллашнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

аҳолига ва тадбиркорлик субъектларини техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология масалаларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўз вақтида таништириш ва етказиш ишларини ташкил этади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабалари ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши учун уларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарадиган сабабларни ва шароитларни аниқлайди ва ўрганади, уларни бартараф эгиш чораларини кўради;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонунчилик профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолияти ва ҳамкорлигини таъминлайди;

тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳуқуқий оғи, ҳуқуқий маданиятни ошириш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот фаолиятида иштирок этади;

тадбиркорлик субъектларининг техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этишга ишонтариш мақсадида профилактика суҳбатларини ўтказди;

тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқбузарликни давом этишига улар томондан йўл қўймаслик тўғрисида тушунтириш орқали расмий огоҳлантириш беради, шунингдек, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор тадбиркорлик субъектини, ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун жавобгарлиги тўғрисида огоҳлантиради.

б) тадбиркорлик субъектларига техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология масалаларида ҳар томонлама кўмаклашиш борасида:

техник жиҳатдан тартибга солиш, метрологик қоидалар ва сертификатлаштириш тартиблари соҳаларида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларни (рус ва ўзбек тилларига) таржима қилади;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларни, метрологик қоидаларни ва мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини таржима қилишда (рус ва давлат тилига) амалий ёрдам кўрсатади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, тадбиркорлик субъектларига ва бошқа ташкилотларга мулкчилик шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъий назар, менежмент тизимлари ҳужжатларини ишлаб чиқишда ва жорий этишда амалий ёрдам беради;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология масалаларида тадбиркорлик субъектларига кенг миқёсда, шунингдек, онлайн-тартибда (call-center, расмий веб-сайт ва қўллаб-қувватлаш хизмати ҳамда бошқа воситалар орқали) интерактив хизматлар кўрсатади;

техник регламентлар, стандартлар талабларига, синов ва ўлчаш услубиётлари, метрология қоидаларига риоя қилиш бўйича синов ва ўлчаш лабораториялари фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли хулосалар беради;

тадбиркорлик субъектларига Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон хизмат кўрсатишни таъминлайди;

в) техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар талабларига, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишида ва ўлчашларнинг тўғрилигини

таъминлаш, мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя этиш юзасидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасида:

“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”, “Мувофикликни баҳолаш тўғрисида”, “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Метрология тўғрисида”, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”, “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”, “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги бошқа қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга жорий қилишни таъминлайди;

техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар талабларини, ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини ва ўлчашларнинг тўғрилигини таъминлаш, мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа талаблар жорий этилишини ва уларга амал қилинишини назорат қилади;

назорат қилинадиган маҳсулотлар кўрсаткичларини ўрнатилган талабларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, ташкилотларда реализация қилинадиган ва сакланидиган (импорт бўйича олиб келинадиган ва маҳаллий ишлаб чиқарилган) маҳсулотларни назорат ҳаридини ўтказиш йўли билан давлат назоратини амалга оширади;

стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология хизматлари ишларини назорат қилади;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги норматив ҳужжатлар назоратини амалга оширувчи ташкилот ва корхоналар фаолиятига услубий раҳбарликни амалга оширади ва ушбу фаолиятни мувофиқлаштиради;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида қонунчилик, норматив-ҳуқуқий ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади, уларнинг ишлаб чиқилишида илмий ва техникавий ютуқлардан юқори самарали фойдаланишга ҳисса қўшади, ўз ваколати доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, метрологик қоидалар ва мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини ўз вақтида жорий қилинмаганлиги сабабларини ва уларнинг бузилишини таҳлил қилади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ва ўлчовлар бирлигини таъминлаш бўйича норматив ҳужжатлар экспертизасининг натижаларини таҳлил қилади;

мулкчилик шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъий назар вазирлик, идора, корхона, муассаса, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектлари синов бўлинмаларининг маҳсулотларининг рўйхати ва синов турлари бўйича синов ўтказиш ҳуқуқларини баҳолашни амалга оширади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларни, метрологик қоидалар ва мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини, агар улар техник даражани ва маҳсулот сифатини оширишга хизмат

қилмаётган бўлса ҳамда амалдаги қонунчиликка зид бўлса, уларни бекор қилиш, амал қилиш муддатини қисқартириш ва ўзгартиришлар киритиш ёки қайта кўриб чиқиш таклифини киритади;

тегишли қоралар қабул қилиш учун ишлаб чиқиладиган (шунингдек олиб қилинадиган) ва реализация қилинадиган маҳсулотлар (хизматлар) сифати бўйича истеъмолчилар эътирозларини ўрганади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, метрологик қоидалар ва мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини жорий қилиш ва уларга риоя қилиш назорати жараёнида аниқланган қонунчилик бузилишини бартараф этиш чорасини кўради;

мулкчилик шаклидан ва идоравий маъсублигидан қатъи назар тадбиркорлик субъектларини ўлчаш ва синов воситасини тайёрлаш, таъмирлаш ва қиёслаш (калибровкалаш) бўйича ишларни бажаришга тайёргарлигини, шунингдек, ишлаб чиқариш қувватлари ва ускуналар тайёргарлигини ўрганади ҳамда шартнома асосида тегишли хулосалар беради;

маҳсулотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатлар талабларига номувофиклиги ҳақида тўғри маълумотлар олинганда, ўн кун муддатда ишлаб чиқарувчи (сотувчи) томонидан номувофикликни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида кўрсатма беради, унинг ижросини таъминлашда амалий ёрдам беради ва назоратини амалга оширади;

техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, метрологик қоидалар ва мажбурий сертификатлаштириш қоидалари талабларига номувофик маҳсулотларни (хизматлар) реализация қилиш ҳолатларини аниқлайди;

қонунчиликка мувофик чора кўриш учун суд ёки бошқа органларга даъво билан мурожаат этиш учун қарор қабул қилади;

мажбурий сертификатлаштиришга доир фаолиятни ва маҳсулотларни синашда мажбурий сертификатлаштиришда иштирок этадиган объектлар фаолияти давлат назоратини амалга оширади;

лабораторияларда, шунингдек, ўз базасида ташкил этилган лабораторияларда маҳсулотлар синовини ўтказиши;

ягона ўлчаш бирлиги ва тўғрилигини таъминлаш устидан давлат назоратини амалга оширади, жумладан:

белгиланган катталиқ бирликларини қўллаш тўғрилиги, ўлчаш ва синов воситалари ҳолати, уларни тайёрлаш, сақлаш, таъмирлаш, қиёслаш ва эксплуатация ҳолатини;

ўлчашлар ва синовларни бажариш услубларини қўллаш тўғрилигини;

Ўзбекистон Республикасида катталиқ бирликларининг қўлланилишига рухсат берилган фойдаланилаётган катталиқ бирликларига мувофиклигини;

ягона ўлчаш бирлигини таъминлашни давлат томонидан тартибга солиш соҳасида амалга оширилувчи ўлчашлар учун қўйиладиган мажбурий талабларга риоя қилишни;

Ўлчаш воситалари, стандарт намуналари ва катталиқ бирлиги эталонларини ягона ўлчаш бирлигини таъминлашни давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги мажбурий талабларига мувофиқлигини;

аттестатланган ўлчашларнинг услубиёти (методлари) мавжудлиги ва уларни тўғри қўлланишига риоя қилиш;

Ўлчаш воситаларига, стандарт намуналари ва катталиқ бирлиги эталонларига ягона ўлчаш бирлигини таъминлашни давлат томонидан тартибга солиш соҳасида қўллаш учун мўлжалланган ишлаб чиқаришни амалга оширувчи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва сотиш фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўрнатилган тартибда хабар беришда юридик шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан риоя қилинишини;

ягона ўлчаш бирлигини таъминлашни давлат томонидан тартибга солиш соҳасига тегишли бўлган ўлчашларни амалга ошириш ва улар учун белгиланган мажбурий талабларга риоя этиш;

ягона ўлчаш бирлигини таъминлашнинг давлат томонидан тартибга солиш соҳасида қўлланиладиган, аттестатланган ўлчашларнинг услубиёти (методлари), шунингдек, аттестатланган ўлчашларнинг услубиётини (методлари) тасдиқлайдиган маълумотлар мавжудлиги ва уларга риоя этилишини;

ягона ўлчаш бирлигини таъминлаш соҳасида ишлар ва (ёки) хизматлар кўрсатишни амалга ошириш;

ягона ўлчаш бирлигини таъминлашнинг давлат томонидан тартибга солиш соҳасида мажбурий талабларга ўлчашлар, ўлчаш воситалари (таркибий қисмлари, дастурий таъминоти), ўлчаш birlikлари, стандарт намуналар, шунингдек, катталиқ birlikлари эталонларининг мувофиқлигини;

юридик шахсларда ёки яқка тартибдаги тадбиркорларда ҳар бир ўлчаш воситаси, стандарт намуналар, ягона ўлчаш birlikлари учун эксплуатация ҳужжатлари мавжудлигини;

ягона ўлчаш бирлигини таъминлашнинг давлат томонидан тартибга солиш соҳасида текширилган тури тасдиқланган ўлчаш воситалари, тури тасдиқланган стандарт намуналар, тасдиқланган ва аттестатланган катталиқ birlikлари эталонини қўллашда;

ягона ўлчаш бирлигини таъминлашнинг давлат томонидан тартибга солиш соҳасида қўлланиладиган ўлчаш воситаларини, стандарт намуналарини, катталиқ бирлиги эталони, ўлчашларнинг услубиётидан (методлари) мақсадли фойдаланишда;

Ўзбекистон Республикасида қўллашга рухсат берилган ўлчаш birlikларини ёзиш ва қўллаш қоидаларига риоя қилишни;

г) техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида ҳуқуқбузарликни аниқлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ва уларни келтириб чиқаришга асос бўлувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасида;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритади, Департаментнинг ваколатига қиралдиган ишларни кўриб чиқади ва маъмурий жазо қўллайди;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлаб чиқариш ишларининг амалиётини таҳлил қилади, ҳисобини юригади ҳамда ушбу соҳада ягона амалиётни шакллантириш бўйича чора кўради.

Департамент қонунчиликка мувофиқ бошқа функцияларни амалга ошириши мумкин.

3-боб. Департамент ва инспекторларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

14. Департамент ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун куйидаги ҳуқуққа эга:

давлат ва бошқа органлар, ташкилотлардан ва уларнинг мансабдор шахсларидан зарур ҳужжатларни ва маълумотларни олиш;

тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органлар билан келишган ҳолда, ўрнатилган тартибда ўтказилган “хавф таҳлили”ни баҳолаш натижаси асосида ўзига юкланган вазифалар доирасида, белгиланган тартибда давлат назоратини амалга ошириш;

Департаментнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича судга ва бошқа органларга мурожаат этиш;

Департаментнинг ваколати доирасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ўрнатилган ишлаб чиқариш тартибида кўриб чиқишни амалга ошириш ва маъмурий жавобгарликка тортишни қўллаш;

давлат назоратидаги маҳсулотларни (хизматларни) олиб кирувчи ва ишлаб чиқарувчи ҳамда сакловчи ва реализация қилувчи ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисларидан давлат назоратини ўтказиш масалалари билан боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар ва тушунтиришлар олиш;

давлат ва ижро этувчи ҳокимият органларидан маҳсулотларни реализация қилиш билан шугулланувчи тадбиркорлик субъектлари ва савдо жойларининг рўйхатини ва жойлашувини сўраш;

зарур ҳолатларда, маҳсулотлар (хизматлар)ни олиб келувчи ва ишлаб чиқарадиган, шунингдек, саклашни ва реализациясини амалга оширувчи давлат назоратидаги ташкилотлар раҳбарларига қонун ҳужжатлари бузилишини ўз муддатида бартараф этиш юзасидан ёзма огоҳлантириш бериш;

маҳсулотларни ишлаб чиқариш, саклаш ва реализация қилиш фаолиятини амалга оширувчи қорхона ва ташкилотлар раҳбарларидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини, шунингдек, ваколатли вазирлик ва органлар маҳсулотларнинг сифатини ва хавфсизлигини яхшилаш бўйича қарорларни аниқ ва эътирозларсиз бажаришни талаб қилиш;

ишлаб чиқарувчидан (сотувчидан) маҳсулотларнинг техник регламентлар ва стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни ва мувофиқлик сертификатларини ёки уларнинг нусхаси ҳамда мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг ёки мувофиқлик сертификатларининг рўйхатга олиш рақамини талаб қилиш;

мувофиқлик сертификатларини ёки мувофиқлик тўғрисидаги декларацияларни берган сертификатлаштириш органларига уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш зарурлиги тўғрисида маълумотлар юбориш;

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар билан ҳамкорликда соддалаштирилган тартибда олиб қириладиган товарлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилишда иштирок этиш;

соддалаштирилган тартибда олиб қирилган товарлардан мақсадли фойдаланиш тўғрисида тадбиркорлик субъектлари билан профилактика чораларини ўтказди, шунингдек, қонун ҳужжатлари бузилиши аниқланганда – уларни бартараф этиш тўғрисида огоҳлантириш бериш;

ишлаб чиқарувчини (сотувчини) қонунчиликда кўзда тутилган жавобгарликка тортиш;

давлат назоратидаги объектидан маҳсулотларни (хизматлар) мажбурий сертификатлаш жараёнида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мос равишда ўтказилганлигини исботловчи материалларни талаб қилиш;

маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, реализация қилишда ва сақлашда техник регламентлар ва стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар талаблари, шунингдек, ўлчашларнинг ягоналигини ва ўлчашларнинг тўғрилигини таъминлаш, мажбурий сертификатлаштириш қоидаларининг бузилиш ҳолатлари аниқланганда, “Ўзстандарт” агентлиги раҳбарияти орқали ваколатли органларга муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида таклифлар киритиш;

тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқбузарликка йўл қўйилмаслиги, шунингдек, ҳуқуқбузарликка мойиллиги борлиги, ҳуқуқбузарликни содир этилганлик учун жавобгарлик тўғрисида тушунтиришлар билан бирга расмий огоҳлантириш ёзиб бериш;

техник регламентлар ва стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар талаблари, шунингдек, ўлчашларнинг ягоналигини ва ўлчашларнинг тўғрилигини таъминлаш, мажбурий сертификатлаштириш қоидаларга номувофиқ маҳсулотлар (хизматлар) тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали истеъмолчиларга етказиш;

зарур ҳолатларда, давлат бошқаруви органлари мутахассисларини жалб этиш.

Департамент қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

15. Департаментнинг давлат инспектори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

маҳсулотларни (хизматларни) ишлаб чиқариш босқичларида, ишлаб чиқаришга тайёрлашда, реализация қилишда (етказиб бериш, сотиш), фойдаланишда (эксплуатация), сақлашда, транспортировкасида ва утилизациясида техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология, сертификатлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг мажбурий талаблари бузилиш ҳолатлари аниқланганда, уларни бартараф этиш тўғрисида огоҳлантириш бериш;

тадбиркорлик субъекти давлат назоратини ўтказишдан бош тортган ҳолатда, ўрнатилган тартибда маҳсулотларни (хизматларни) реализация қилишни тақиқлаш;

тадбиркорлик субъектининг хизмат ва ишлаб чиқариш биноларига ўрнатилган тартибда кириш;

белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектидан давлат назоратини ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ва маълумотларни олиш;

техник воситалардан фойдаланиш ва давлат назоратини ўтказишда хўжалик фаолиятини юритувчи субъект мутахассисини жалб этиш;

техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, метрология, сертификатлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш қоидалари мажбурий талабларига мувофиқлигини назорат қилиш учун маҳсулотлардан намуналар ва нусхалар танлаб олиш, бунда ишлатиб юборилган нусхаларнинг қиймати ва синовларни (тахлилларни, ўлчашларни) ўтказиш харажатларини текширилаётган хўжалик фаолияти субъектларининг ишлаб чиқариш харажатларига киритиш;

маҳсулотларнинг (хизматлар) техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, метрология, сертификатлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги қоидалар мажбурий талабларига мувофиқлиги тўғрисида маълумотлар ишончлилигини текшириш учун ишлаб чиқарувчидан (сотувчидан) материалларни талаб этиш;

ишлаб чиқарувчидан (сотувчидан) ва бошқа шахслардан маҳсулот (хизматлар) тўғрисида маълумотларни ёки лойиҳалаш жараёнлари (шу жумладан тадқиқотлар), ишлаб чиқариш, реализация ва утилизация, монтаж, қурилиш, созлаш, эксплуатация, сақлаш, ташиш, шунингдек, тадқиқотлар (синов) натижалари ва мувофиқлигини мажбурий тасдиқлаш жараёнида амалга оширишдаги ўлчашлар билан боғлиқ бўлган талабларни сўраш;

маҳсулотлар (хизматлар) синовини ва сертификатлаштиришни ўтказишда, сертификатлаштирилган маҳсулотларни (хизматлар) ва менежмент тизимининг инспекция назоратида, аккредитациядан ўтган сертификатлаштириш бўйича органлар ва лабораторияларнинг (метрологик хизматлар) инспекция назоратида иштирок этиш;

давлат назорати натижалари бўйича даволатномалар расмийлаштириш ва камчиликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш соҳасида қонунчилик талабларига риоя этишни таъминлаш масалалари бўйича суд жараёнларида иштирок этиш.

16. Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилишни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош давлат инспектори ва бош давлат инспекторининг ўринбосарлари, ушбу Низомнинг 15-бандида кўрсатилган ҳуқуқлардан ташқари, ўтказилган назорат натижалари бўйича қабул қилинадиган таъсир чораларини кўриш ҳуқуқига, шу билан бирга қуйидагиларга эга:

давлат назорати жараёнида аниқланган қонун бузлишини бартараф этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

конунчилик ҳужжатлари, техник регламентлар талаблари, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларини, метрология, сертификатлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш коидаларини бузилишида айбдор бўлган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахсларини ўрнатилган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича қарор қабул қилиш;

текширилган маҳсулотларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ҳолатда, ушбу маҳсулотни ўн иш қунигача ишлаб чиқаришни тақиқлаб қўйиш ёки реализация қилинишини (етказиб берилиши, сотилиши) ёки фойдаланишни (ишлатишни) тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

конунчилик, техник регламентларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига, метрология ва сертификатлаштириш коидаларига номувофиқ бўлган импорт маҳсулотларни реализация қилишни ўн иш қунигача тақиқлаш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

тадбиркорлик субъекти давлат назоратидан бош тортган ҳолатларда - маҳсулотларни (хизматларни) реализация қилишни ўн иш қунигача тақиқлаб қўйиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга, шунингдек, конунчиликда кўзда тутилган тегишли руҳсат берувчи ҳужжатларга эга бўлмаган маҳсулотларни (хизматларни) ишлаб чиқаришни ўн иш қунигача тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

давлат синовидан, метрологик аттестациядан ўтмаган, қиёсланмаган ўлчаш воситаларини қўллаш ва муомалага чиқарилишини ўн иш қунигача тўхтатиб туриш, зарур бўлган ҳолатларда шунга ўхшаш воситаларни муомаладан чиқариб ташлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш.

17. Ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда Департамент қуйидагиларга мажбур:

давлат назорати бўйича тадбирлар жараёнида, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тўғрисидаги конунчиликни қўллаш бўйича тушунтириш ишларини ўтказишга, мавжуд бўлган техник регламентлар ва стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар бериш;

тижорагирини ва қонун билан ҳимояланмаган бошқа сирни сақлаш;

давлат назорати бўйича тадбирларни амалга ошириш тартибига риоя қилиш ва ушбу тадбирлар натижаларини конунчиликка мувофиқ расмийлаштириш;

давлат назорати бўйича чора-тадбирлар натижалари асосида техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларининг бузилиш ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриш;

“Ўзстандарт” агентлигига ва бошқа ваколатли органларга техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабаларига маҳсулотларнинг номувофиқлиги тўғрисидаги маълумотларни юбориш;

бир ой муддатда ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган юридик шахслар ва (ёки) яқка тартибдаги тадбиркорларга Департаментнинг мансабдор

шахслари, қонунчилик ҳужжатларини бузилишида айбдор деб топилганларга нисбатан қўлланилган чоралар тўғрисида хабар бериш.

18. Департамент қуйидагиларга жавобгар ҳисобланади:

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳаларида қонунчилик талабларига риоя қилиш, ушбу соҳада қонунчилик ва норматив ҳужжатлар талабларининг бажарилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

ўзига юклаган бошқа вазифаларни самарали бажариш;

қонунчиликка мувофиқ давлат назорати бўйича тадбирларни ўтказишда ўзининг хизмат мажбуриятларини тегишли равишда бажариш.

4-боб. Департамент фаолиятини ташкил этиш

19. Департаментга “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади. Департамент бошлиғи бевосита “Ўзстандарт” агентлиги Бош директорига бўйсунди.

Департамент бошлиғи бир вақтнинг ўзида, лавозими бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонунчилик талабларига риоя қилишни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош давлат инспекторининг ўринбосари ҳисобланади.

Департамент бошлиғи “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарга эга.

20. Департамент бошлиғи:

Департамент фаолиятига яққабошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади ва Департаментга юклаган вазифа ва функцияларни бажариш учун шахсан жавобгардир;

ўз ваколати доирасида Департамент ходимларига ижроси мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, кўрсатмалар беради;

ўрнатилган тартибда Департамент ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

Департаментнинг молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштиради ва ташкил этади;

Департамент ходимларига нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади, алоҳида ўзини кўрсатган ходимларни фахрий унвон ва давлат мукофотлари билан тақдирлашга ва моддий рағбатлантиришга тақдим қилади.

21. Департамент бошлиғи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

5-боб. Департаментнинг бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлиги

22. Департамент ўзининг фаолиятида унга юклаган функция ва мажбуриятларни бажариш учун, тадбиркорлик субъектларида давлат назоратини

Ўтказишни режалаштиришда, юқори турувчи ташкилотларга материаллар ва маълумотларни тайёрлашда ҳамда умумлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорлик қилади.

23. Департаментнинг давлат инспекторлари вужудга келган зарур ҳолатларда, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигинг, ўлчашларнинг ягоналигини ва сертификатлаштириш қоидаларини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш учун текширувлар ўтказишда давлат бошқаруви ва ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан жалб этилишлари мумкин.

24. Департаментнинг давлат инспекторлари давлат бошқаруви идораларининг қарорлари бўйича лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига амал қилиш юзасидан текширувларни ўтказиш учун жалб қилинишлари мумкин.

25. Агар қонунчилик томонидан бошқа шикоят қилиш тартиби ўрнатилмаган бўлса, юқори турувчи мансабдор шахсга давлат инспекторларининг хатти-ҳаракатлари бўйича ўн кун муддатда шикоят қилиш мумкин.

26. Шикоят бериш шикоят қилинаётган қарорни бажарилишини тўхтагмайди.

27. Давлат инспекторлари устидан шикоятларни кўриб чиқишни кечиктирмасдан, лекин шикоят келиб тушган кундан бошлаб кечи билан ўн беш кун муддатда, кўшимча ўрганишларни ва текширишларни талаб этадиган шикоятлар эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

28. Корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари давлат инспекторларига юкланган вазифаларни бажаришлари учун керакли шароитларни яратиб беришга мажбурдирлар (ўрнатилган тартибда хизмат бинолари, алоқа воситалари, транспорт билан таъминлаш ва ҳоказо).

6-боб. Департамент фаолиятини молиялаштириш манбалари ва ходимларни моддий рағбатлантириш

29. Департамент фаолиятини молиялаштириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, халқаро ва чет эл ҳукуматлари, халқаро молия ташкилотлари, молия институтлари ва бошқа донорларнинг грантлари ва кредитлари (қарзлар);

Ўзбекистон Республикаси резиденти ва порезидентлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳаларида қонунчилик ҳужжатларининг мажбурий талаблари бузилишида қўлланилган маъмурий ва иқтисодий санкциялар бўйича гушадиган ажратмалардан даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан тақиқланмаган бошқа манбалар.

30. Департамент ходимларини моддий рағбатлантириш конунчилиқка мувофиқ амалга оширилади.

Департамент ходимларининин иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, моддий ёрдам, қўшимча ҳақ, устамалар ва конунчиликда кўзда тутилган рағбатлантириш тўловларидан иборат.

Департамент ходимларига ойлик иш ҳақини тўлаш ва ходимларни моддий рағбатлантиришни амалга ошириш манбалари меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, бирор мақсад учун бюджетдан ажратилган пуллар ҳисобига шакллантирилган бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди ва бюджет ташкилотларни ривожлантириш фонди маблағлари, шунингдек, конунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

Ўзларининг хизмат мажбуриятларини виждонан ва самарали бажараётган Департаментнинг юқори малакали, ташаббускор ходимларига, конунчиликда кўзда тутилган қўшимча ҳақ ва устамалардан ташқари, “Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус жамғармасидан қўшимча тарзда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг икки баравар миқдоригача ойлик устамалар тўланади.

7-боб. Яқунловчи қондалар

31. Департаментнинг буйруқлари, кўрсатмалари, тақдимномалари ва бошқа ҳужжатларини бажармаслик, шунингдек, Департаментнинг фаолиятига аралашиниш ва унинг ходимларига қонуний юқланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда тўсқинлик мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир этиш тақиқланади ва конунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

32. Департаментни қайта ташкил этиш ва тугатиш конунчилик томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 24 апрелдаги 348_-сон қарорига
3-илова

Синов лабораторияларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисида Низом
I боб. Умумий қоидалар

1. Маъжур Низом синов (ўлчов) лабораторияларини (кейинги ўринларда давлат-хусусий шериклик деб аталади) ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш соҳасида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Маъжур Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилган:

давлат-хусусий шериклик – синов (ўлчов) лабораторияларини ташкил қилиш ва фаолиятини йўлга қўйиш соҳасида хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ресурсларни бириктириш ва таваккалчиликларни тақсимлаш мақсадида давлат ва хусусий шерикларнинг белгиланган муддатга юридик расмийлаштирилган ҳамкорлиги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим (кейинги ўринларда битим деб аталади) - томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ижро этишининг бошқа шартларини белгилаб берилган давлат ва хусусий шериклар ўртасида тузилган ёзма шартнома;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим томонлари (кейинги ўринларда - томонлар деб аталади) - давлат шериги ва хусусий шерик;

давлат шериги - Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар;

хусусий шерик - битим тузилган юридик ёхуд жисмоний шахс (инвестор). Хусусий шерик сифатида икки ёки ундан ортиқ юридик ёки жисмоний шахсларнинг бўлишига йўл қўйилади. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари хусусий шерик бўла олмайди, шунингдек, хусусий шериклар тарафида иштирок этга олмайди;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим объекти (кейинги ўринларда объект деб аталади) - хавфсизлик, маҳсулот ва хизматлар сифатини таъминлаш мақсадида фойдаланилиши мумкин бўлган синов (ўлчов) лабораториялари;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси – муҳим давлат, ижтимоий, иқтисодий ва илмий-техник аҳамиятга эга бўлган маҳсулот ва хизматларнинг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш борасида инвестиция, инновация, инфраструктура ва бошқа тадбирлар мажмуаси.

3. Давлат-хусусий шериклик қуйидаги тамойилларга асосланади:

давлат сирини ташкил қилган ва қонуни томонидан муҳофаза этиладиган бошқа сирларни ташкил қилувчи маълумотларни истисно қилган ҳолда, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги ахборотнинг очиклиги ва фойдаланиши мумкинлиги;

камситишнинг йўқлиги, битим томонларининг тенг ҳуқуқлилиги;

томонларнинг битим бўйича мажбуриятларни виждонан бажариши;

таваккалчиликлар ва мажбуриятларнинг битим томонлари ўртасида адолатли тақсимланиши;

давлат-хусусий шериклик томонлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шартномавий асоси.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, танлов ҳужжатлари, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳалари ва уларга киритилган ўзгартиришлар, давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш шакллари, шунингдек, синов (ўлчов) лабораторияларини ташкил қилиш ва жалб қилиш шартлари мажбурий тарзда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) билан келишилиши лозим.

5. Давлат-хусусий шериклик қуйидаги мезонларга жавоб бериши шарт:

узок муддатли бўлиши;

битим объектини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, ривожлантириш, бошқариш, таъминлашга тегишли бўлиши;

хусусий шерик томонидан молиялаштирилиши;

давлат ва хусусий шериклар ўртасида таваккалчиликлар ва жавобгарликнинг тақсимланиши.

6. Давлат-хусусий шериклик давлат шеригининг хусусий шерикка қуйидагиларни тақдим этиш шакллари орқали амалга оширилади:

а) хусусий шерик томонидан қуйидагилар бўйича инвестиция мажбуриятларини олган ҳолда биноларни тақдим этиш:

лаборатория хоналарини таъмирлаш (реконструкция қилиш), синовларни ўтказиш учун зарур шароитларни яратиш;

замонавий синов ва ўлчов ускуналари билан жиҳозлаш;

лабораторияларнинг тўлақонли фаолият юритиши билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш;

лаборатория ускуналарига техник ва сервис хизмати кўрсатиш;

халқаро стандартларга мувофиқ маҳсулотни синовдан ўтказишнинг усулларини жорий қилиш;

халқаро талабларга мувофиқ ҳолда лаборатория ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш;

лабораторияни халқаро даражада аккредитациядан ўтказиш ва синовларнинг (ўлчовларнинг) натижаларини хорижда тан олинишини таъминлаш;

б) хусусий шерик томонидан қуйидаги инвестиция мажбуриятлари олинган ҳолда ер участкаларини тақдим этиш:

янги лаборатория корпусларини қуриш;

туташ худудни ободонлаштириш;

мазкур Низомнинг 4 банди а) кичик бандида кўзда тутилган мажбуриятлар;

в) Агентлик билан келишилган бошқа шакллар.

7. Давлат шериги томонидан давлат-хусусий шериклик лойиҳасини таклиф этиш битимни тузиш учун асос ҳисобланади.

8. Юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари билан белгилашган ер участкаларини кўриб чиқиш ва тақдим этиш тартиби хусусий шерикларга мазкур Низомда кўзда тутилган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун мўлжалланган лаборатория хоналарини тақдим этиш тартибига нисбатан жорий этилмайди.

2 боб. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини таклиф этиш тартиби

9. Давлат шериги талбиркорлик субъектларига қулай шароитларни яратиш мақсадида ва саноат тармоқларининг синнов имкониятларини кенгайтириши учун Агентлик билан келишган ҳолда танлов эълон қилиш орқали давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишнинг таклиф қилиши мумкин.

10. Давлат шериги танлов бошланишидан ўттиз кун олдин мажбурий тартибда, ўз расмий веб-сайти ва оммавий ахборот воситаларида танлов ўтказилиши ҳақидаги эълонни жойлаштиради.

11. Танлов ҳақидаги эълон қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:
давлат шеригининг номи ва юридик манзили, унинг боғланиш учун телефони ва электрон почта манзили;

объектнинг номи, жойлашган жойи, сони, тавсифи;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш шартлари;

давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш шаклларида келиб чиққан ҳолда талаб этиладиган инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларнинг энг кичик ҳажми;

танловни ўтказиш санаси, вақти ва жойи;

танлов таклифлари қабул қилинадиган охириги муддат (кун ва соати кўрсатилган ҳолда).

12. Хусусий шерик сифатида талоовда иштирок этиш учун юридик ёки жисмоний шахс (инвестор) давлат шеригига қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза беради:

юридик шахснинг рўйхатдан ўтгани ҳақида гувоҳнома, жисмоний шахснинг манзили ва шахсий маълумотлари;

хусусий шерикнинг соф активлари тўғрисидаги маълумот, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишнинг молиявий имкониятини тасдиқловчи лойиҳа қийматининг камида 25 фоизи миқдордаги ўз маблағлари ва бошқа таъминловнинг кафилиги;

инвестиция лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий кўрсаткичлари.

Қайта ташкил этилаётган, тугатилаётган ва ёки банкротлик ҳолатида бўлган, мол-мулки ҳатловга олинган даъвогарларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Аризани мазкур Низомда кўзда тутилган талаблар бузилган ҳолда тақдим қилинганлиги аниқланганда, ҳужжат талабгорга бир кун мобайнида қайтарилади.

13. Танлов ғолиби давлат шериги томонидан тузилган идоралараро танлов комиссияси томонидан аниқланади.

14. Танлов таклифи давлат-шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун энг мақбул деб ҳисобланган иштирокчи танлов ғолиби деб тан олинади.

Шунингдек, танлов якунлари бўйича таклифларининг параметрлари танлов шартларига мос келадиган, бироқ танлов ҳужжатларига мувофиқ ғолиб томонидан таклиф этилган параметрлар даражасидан пастроқ бўлган захирадаги ғолиб аниқлаб олинади.

Танлов ғолиби давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган муддатларда имзолашни рад этса ёки имзолашдан бўйин товласа, захирадаги ғолиб билан тегишли битим тузишга рухсат берилмайди. Танловнинг захирадаги ғолиби билан битим танлов ғолиби билан битим тузиш тартибига ўхшаш тартибда тузилади.

15. Давлат шериги танлов якунлари бўйича қарор қабул қилинган кунда ўз расмий веб-сайтга ахборот жойлаштириши орқали танлов натижалари ҳақида танлов иштирокчиларини хабардор қилиши шарт.

16. Танлов иштирокчиси қабул қилинган қарорга рози бўлмаган тақдирда, у қарор бўйича судда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

3 боб. Битимни тузиш, ўзгартириш, тўлдириш, шунингдек, бекор қилиш ва тугатиш тартиби

17. Идоралараро танлов комиссиясининг ижобий қарори асосида давлат шериги ва хусусий шерик қарор қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом талабларига риоя қилган ҳолда битим тузади.

18. Битимда уни амалга ошириш шаклига қараб, қуйидагилар акс этирилган бўлиши керак:

хусусий инвестициялар объекти ва ҳажми;

битимнинг амал қилиш шартлари;

битим объектининг фойдаланишга топширилиш муддатлари;

битим томонларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишлари учун шартномалар тузиш муддатлари, лойиҳани молиялаштириш манбалари, амалга ошириш жадваллари, лойиҳа бажарилиши юзасидан техник назорат қилиш тартиби тўғрисида ахборот;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг бажарилиши бўйича мониторинг ўтказиш ва уни амалга ошириш даражасини баҳолаш тартиби;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида тақдим этиладиган объектларнинг сифатига қўйиладиган талаблар;

хусусий шерик томонидан ўз мажбуриятларини бажариш жараёни тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида битим тузиш билан боғлиқ таваккалчиликларни тақсимлаш тартиби ва шартлари;

давлат шериги томонидан хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўтказиб бериладиган лаборатория ва ускуналарга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби;

битим объектидан фойдаланиш, унга техник хизмат кўрсатиш, уни лойиҳалаштириш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш, модернизациялаш тартиби;

битимнинг амал қилиш муддати тугагандан кейин битимни ижро этиш жараёнида яратилган объектига ва бошқа мулкка доир ҳуқуқларни тақсимлаш тартиби;

битим шартларига риоя қилмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби;

битимни бекор қилиш тартиби, шунингдек, битимни муддатидан олдин бекор қилиш натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини тўлдириш ёки қоплаш тартиби;

хусусий шерик томонидан мажбуриятлар бажарилмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун санкциялар;

битимни амалга оширишда юзага келадиган низоларни ҳал қилиш тартиби.

Битимда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам келтирилиши мумкин.

19. Битимни имзолашга тайёрлаш учун давлат шериги танлов тугаган кундан бошлаб уч иш кунни давомида хусусий шерикка битим лойиҳасининг матнини тақдим этади.

20. Агар зарур бўлса, битим қондаларини давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида келишиб олиш мақсадида музокаралар ўтказилади.

21. Битим давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида икки нусхада, томонларнинг ҳар бири учун биттадан нусхада имзоланади.

22. Битим томонлар тарафидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва битим муддати тугашигача ёки бекор қилинишигача амал қилади.

23. Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар қуйидаги ҳолларда киритилиши мумкин:

томонларнинг ўзаро розилиги билан;

давлат шеригининг талаби бўйича - давлат шериги ва хусусий шерикнинг шартнома асосидаги муносабатларига доир стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан;

суднинг қарори бўйича.

24. Битим қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

томонларнинг ўзаро розилиги билан;

хусусий шерикнинг банкротлик ҳолатида ва/ёки тугатилган тақдирда;

давлат шеригининг талаби бўйича - хусусий шерик ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда;

хусусий шерикнинг талаби бўйича - давлат шериги ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда.

Ушбу банднинг тўртинчи ва бешинчи ҳагбошиларида назарда тутилган ҳолларда битим суд орқали бекор қилинади.

25. Битим унинг амал қилиш муддати тугагандан кейин тўхтатилади.

Битимнинг амал қилиш муддати тўхтатилиши томонларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

4 боб. Яқунловчи қондалар

26. Агар зарур бўлса, томонларнинг ўзаро розилигига кўра, давлат-хусусий шериклик битимига қўшимча келишувни талаб қилган лойиҳаларни қўшимча молиялаштириш қисмига доир ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

27. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Синов лабораторияларини ташкил этиш
ва уларнинг фаолият кўрсатиш соҳасида давлат-
хусусий шериклик тўғрисидаги низомга
Илова

Синов лабораторияларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш соҳасида
давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш учун танлов ўтказиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш мuddатлари
1-босқич	Давлат шериги	Расмий сайтда ва оммавий ахборот воситаларида танлов ўтказилаётгани тўғрисидаги эълонни жойлаштириш.	танлов бошланишидан ўттиз календарь кунидан аввал
2-босқич	Талабгор	Низом талабларига мувофиқ давлат шеригига ариза ва унга бириктирилган хужжатларни (кейинги ўринларда ариза деб аталади) бериш.	Танлов эълон килинган кундан ўттиз календарь кун мобайнида
3-босқич	Давлат шериги	Аризани мазкур Низом талабларига мувофиқлигига текшириш, Низом талаблари бузилган ҳолларда аризани қайтариш.	Бир иш куни мобайнида
4-босқич	Танлов комиссияси	Ўтказилган танлов натижалари бўйича қарор қабул қилиш.	Етти иш куни мобайнида
5-босқич	Давлат шериги	Ўзининг расмий веб-сайтида қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш йўли билан иштирокчиларни хабардор этиш.	Қарор қабул қилинган кунда
6-босқич	Давлат шериги ва хусусий шерик	Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузиш.	Танлов комиссиясининг ижобий қарори қабул қилинган кундан кейин ўн иш куни мобайнида

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 24 апрелдаги 348 -сон қарорига
4-илова

**Инсонлар ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфли ва сифатсиз бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфи мониторингини юритиш тартиби тўғрисида
ниҳом**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом камчиликлари бўлган товарлар тўғрисида умумий фойдаланиш учун ахборот ресурсларига жойлаштириладиган маълумотлар базасини (кейинги ўринларда База деб аталади) яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инсонлар ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфли ва сифатсиз бўлган маҳсулотни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва реализация қилиш хавфининг мониторингини олиб бориш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

мониторинг — Ўзбекистон Республикаси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (кейинги ўринларда “Ўзстандарт” агентлиги деб аталади) томонидан ваколатли органлар, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, бошқа махсус ваколат берилган давлат бошқарув органларини уларини ваколатлари доирасида аниқланган камчилиги бўлган маҳсулотлар тўғрисида хабардор қилиш мақсадида камчилиги бўлган маҳсулотларнинг Базасини юритиш йўли билан амалга ошириладиган фаолият.

камчилиги бўлган маҳсулотлар — қонун ҳужжатларининг, техник регламентларнинг талабларига, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг, метрология, сертификатлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш қондаларининг мажбурий талабларига номувофик бўлган маҳсулотлар.

2. Инсонлар ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфли ва сифатсиз бўлган маҳсулотни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва реализация қилиш хавфи мониторинги (бундан кейин Мониторинг деб аталади) ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

3. Мониторинг истеъмолчиларни инсофсиз ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилардан химоя қилиш, ички бозорни инсон ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфли ва сифатсиз бўлган маҳсулотлардан химоя қилиш, маҳаллий маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлилигини ошириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонун ҳужжатларининг бузилишини олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш ва тадбиркорлик субъектларига техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология масалаларида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш мақсадида олиб борилади.

4. Қуйидагилар инсон ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, агроф-мухит учун хавfli ва сифатсиз бўлган маҳсулотларни аниқлаш бўйича ваколатли органлар ҳисобланади: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси, Давлат ветеринария кўмитаси, Экология ва агроф мухитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида махсус ваколат берилган бошқа давлат органлари.

5. Мониторинг ваколатли органларнинг қуйидаги фаолиятлари натижасида аниқланган инсон ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, агроф-мухит учун хавfli ва сифатсиз бўлган маҳсулот ҳақида тақдим этилган ахборотини таҳлил қилиш ва умумлаштириш йўли билан юритилади:

давлат назоратида;

маҳсулот (хизматлар)ни сертифициқлаштиришда;

сертификақланган маҳсулотларнинг инспекция назоратида;

жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари, шикоятлари ва тақлифлари асосида маҳсулотни баҳолашда.

2 боб. Базани юритиш

6. База ваколатли органлар, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, бошқа махсус ваколат берилган давлат бошқарув органлари учун уларнинг ваколатлари доирасида аниқланган камчилиги бўлган маҳсулот тўғрисида ахборот манбаи ҳисобланади.

7. Базанинг юритилиши “Ўзстандарт” агентлиги томонидан амалга оширилиб, бу унинг ишлашини, техник қузатувини, ахборот хавфсизлиги ва мунтазам янгиланишини, оммавий ахборот ресурсларига жойлаштирилишини, шунингдек, санкцияланмаган киришдан ҳимоясини таъминлайди.

8. Камчилиги бўлган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар “Ўзстандарт” агентлигига ваколатли органлар томонидан дастурий-аппарат таъминотида назарда тутилган форматда ёзма ва электрон кўринишда тақдим этилади.

9. Камчилиги бўлган маҳсулотлар тўғрисида тақдим этилган ахборотга ишлов берилади ва Базага киритилади.

10. “Ўзстандарт” агентлиги ҳар ҳафта келиб тушган ахборотни умумлаштиради ва камчилиги бўлган маҳсулотлар тўғрисида йиғма ҳисобот тузиб, ваколатли органларга, Савдо-саноат палатасига ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясига, йирик савдо тармоқларига ва обуна бўлган фойдаланувчиларга юборади.

11. Базага киритиш учун тақдим этиладиган ахборот мажбурий равишда қуйидагиларга эга бўлиши керак:

товар номи ва унинг тасвири (зарур бўлса):

товар ишлаб чиқарувчисининг (етказиб берувчисининг) номи;
потенциал хавф ва/ёки аниқланган номувофикликлар.

3 боб. Маълумотларни базадан чиқариб ташлаш

12. Аниқланган камчиликларни бартараф этган ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) ёки савдо объекти “Ўзстандарт” агентлигига камчиликлари бўлган маҳсулотни Маълумотлар базасидан чиқариб ташлаш тўғрисида, сифатсиз ва хавфли маҳсулотларда аниқланган камчиликлар бартараф этилганлиги ҳақида ахборот кўрсатилган ёзма мурожаатнома юборади.

13. “Ўзстандарт” агентлиги бир иш куни мобайнида мурожаатни ўрганиб чиқиш учун ваколатли органларга юборади.

14. Ваколатли органлар мурожаатни ўрганиб чиқади ва уч кун муддатда “Ўзстандарт” агентлигига ўтказилган ўрганишлар ҳақида маълумот юборади.

15. Ўрганиш натижалари ижобий бўлган тақдирда, “Ўзстандарт” агентлиги икки кун муддатда камчилиги бўлган маҳсулот тўғрисидаги маълумотни Базадан чиқариб ташлайди.

4 боб. Мониторинг олиб бориш ишларини молиялаштириш

16. Мониторинг олиб бориш, Базани яратиш ва техник кузатиш ишларини молиялаштириш “Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги Стандартишгириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7 боб. Яқунловчи қоидалар

17. “Ўзстандарт” агентлигининг камчилиги бўлган маҳсулотни Базага киритиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин.

18. Суд томонидан камчилиги бўлган маҳсулотнинг Базага киритилиши асоссиз деб топилган тақдирда, “Ўзстандарт” агентлиги субъектлар олдида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

19. Маҳсулотига оид камчик аниқланган субъект уни бартараф этиш бўйича маслаҳат олиш учун “Ўзстандарт” агентлигига мурожаат қилиши мумкин.

20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**Инсонлар ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний
шахслар мол-мулки, атроф-муҳит учун хавfli ва сифатсиз
бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва
сотиш хавфи мониторингини юритиш тартиби тўғрисида
низомига
Илова**

**Инсонлар ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф-
муҳит учун хавfli ва сифатсиз бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш
ва сотиш хавфи мониторингини юритиш тартиби
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	“Ўзстандарт” агентлиги, ваколатли органлар	Камчилиги бўлган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни “Ўзстандарт” агентлигига ваколатли органлар томонидан дастурий-аппарат таъминотида назарда тутилган форматда ёзма ва электрон кўринишда тақдим этиш.	Ҳар куни
2-босқич	“Ўзстандарт” агентлиги, ваколатли органлар	Ваколатли органларнинг қуйдаги фаолиятлари натижасида аниқланган инсонлар ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф-муҳит учун хавfli ва сифатсиз бўлган маҳсулотлар ҳақида тақдим этилган ахборотини таҳлил қилиш ва умумлаштириш: давлат назоратида; маҳсулот (хизматлар)ни сертификатлаштиришда; сертификатланган маҳсулотларнинг инспекция назоратида; юридик ва жисмоний шахсларнинг аризалари, шикоятлари ва тақлифларни асосида маҳсулотни баҳолашда.	Ҳар куни
3-босқич	“Ўзстандарт” агентлиги	Камчилиги бўлган маҳсулотлар тўғрисида тақдим этилган ахборотга ишлов бериш ва Базага киритиш.	Ҳар куни
4-босқич	“Ўзстандарт” агентлиги	Келиб тушган ахборотни умумлаштиради ва камчилиги бўлган маҳсулотлар тўғрисида йиғма ҳисобот тузиб, ваколатли органларга, Савдо-саноат палатасига ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясига, йирик савдо тармоқларига ва обуна бўлган фойдаланувчиларга юбориш.	Ҳар ҳафта
5-босқич	Ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) ёки савдо объекти	“Ўзстандарт” агентлигига, камчиликлари бўлган маҳсулотни маълумотлар Базасидан чиқариб ташлаш тўғрисида, сифатсиз ва хавfli маҳсулотларда аниқланган камчиликлар бартараф этилганлиги ҳақида ахборот кўрсатилган ёзма мурожаатномани юбориш.	Мурожаат келиб тушган вақтдан бошлаб
6-босқич	“Ўзстандарт” агентлиги	Мурожаатни ўрганиб чиқиш учун ваколатли органларга юбориш.	Бир кун мобайнида

7-босқич	Ваколатли органлар	Мурожаатни ўрганиб чиқиш ва “Ўзстандарт” агентлигига ўтказилган ўрганишлар ҳақида маълумот юбориш.	Уч кун мобайнида
8-босқич	“Ўзстандарт” агентлиги	Ўрганиш натижалари ижобий бўлган тақдирда, камчилиги бўлган маҳсулот тўғрисидаги маълумотни Базадан чиқариб ташлаш.	Икки кун муддатда

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 24 апрелдаги 348 - сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айрим қарорларига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назорати тўғрисидаги Низомда:

а) 2-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши қўшилсин:

“Ўзстандарт” агентлиги Бош директори, унинг биринчи ўринбосари ва “Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги Техник жихатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти бошлиги бир вақтнинг ўзида мос равишда Ўзбекистон Республикасининг стандартлар ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш устидан назорат олиб борувчи бош давлат инспектори ва бош давлат инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланади”;

ўнинчи-ўн тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда, ўн биринчи-ийигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилардаги “Ўзстандарт” агентлиги сўзлари чиқариб ташлансин:

3-банднинг “и” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 4-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг стандартларни назорат қилиш бўйича бош давлат инспекторлари, вилоятлар, шаҳарларнинг стандартларни назорат қилиш бўйича бош давлат инспекторлари, булардан ташқари, “Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги Техник жихатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти инспекторлари ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги инспекторлари қуйидаги мутлақ ҳуқуққа эгадир”;

бешинчи, ўн биринчи-ўн бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи-ўн олтинчи хатбошилар тегишли равишда, бешинчи-ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

в) 10-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 3 октябрдаги 342-сон қарорининг 13-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 56-модда):

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи-ўн бешинчи хатбошилар, мос равишда, учинчи-ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбошига “стандартлаштириш, метрология соҳалари” сўзларидан кейин “, аккредитация” сўзи қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи-ўн тўққизинчи хатбошилар қўшилсин:

“инсонлар ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, агроф -муҳит учун хавfli ва сифатсиз бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфи мониторингини амалга оширишга, шунингдек, ички бозорда муомалада бўлган товарларни мувофиқлигини баҳолаш;

“Ўзстандарт” агентлиги марказий аппарати ва “Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаментининг ходимларини, шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги эксперт-тахлил гуруҳи фаолиятини амалга оширишда моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун вазирликлар, идоралар техник қўмиталари ва ҳўжалик субъектлари мутахассисларини, етакчи лойиҳа институтларининг, илмий ва таълим муассасаларининг мутахассисларини жалб қилиш, шунингдек, консултант сифатида жалб этиладиган юқори малакали хорижий мутахассисларни харажатларини қоплаш;

экспортбop маҳсулотлар учун республикада халқарo, давлатларарo, минтақавий стандартлар ва хорижий мамлакатлар стандартларини сотиб олиш ва қабул қилиш;

бўш турган маблағларни тижорат банкларнинг депозитларига жойлаштиришга шунингдек, “Ўзстандарт” агентлигига юклатилган вазифалар ва функцияларга мувофиқ амалга ошириладиган, бошқа тадбирларни молиялаштириш”;

ўн олтинчи хатбоши йигирманчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда):

а) 16-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мувофиқлик сертификатларини расмийлаштиришда такрорий синовлар ўтказилиши тақиқланади ва уларни беришда, идоровий бўйсинишидан қатъий назар, белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган лабораториялар томонидан амалга оширилган синовларнинг ижобий натижалари асос бўлади”;

б) 34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Код бериш бўйича хизматлар қиймати, шунингдек аъзолик бадаллари миқдори GS1 Uzbekistan қатнашчилари томонидан белгиланади. Штрихли

коднинг оригинал макетларини тайёрлаш ва бериш шартнома асосида амалга оширилади”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорларининг 15-позицияси (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

15	“Ўзстандарт” агентлиги хузуридаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус жамғармаси	Техник жihatдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонун ҳужжатларининг талаблари бузилганлиги учун маъмурий жарималар	50
----	--	---	----

”

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда енгил хизмат автомашиналаридан фойдаланишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 26 майдаги 153-сон қарорига ўзгартиришлар рус тилидаги матнда берилган.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 14 октябрдаги 292-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартиби тўғрисидаги Низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 10-сон, 92-модда):

а) 25-бандда:

биринчи хатбошидаги “5 – 7 иловаларга” сўзлари “5 – 7 ва 7¹ иловаларга” сўзларига алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“IV схема — Миллий ўлчаш эталонлари, миллий метрология институтлари томонидан бериладиган калибрлаш ва ўлчаш сертификатларининг ўзаро эътироф этилиши тўғрисидаги келишув (СІРМ МРА) доирасида”;

б) 44-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи-олтинчи хатбошилар, тегишли равишда, учинчи-бешинчи деб ҳисоблансин;

в) III-бобга қуйидаги мазмундаги 4-параграф қўшилсин:

“§ 4. Метрологик назорат натижаларини IV схема бўйича эътироф этиш

48. Ўз эҳтиёжлари учун технологик жараёнларда фойдаланиладиган импорт бўйича олиб кириладиган ўлчаш воситаларини калибрлаш (қиёслаш) натижаларини эътироф этиш СІРМ МРА фаолиятида иштирок этадиган миллий метрология институтлари/белгиланган институтлар (кейинги ўринларда

институтлар деб аталади) томонидан расмийлаштирилган амалдаги калибрлаш (қиёслаш) сертификатлари тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

49. Ариза берувчи ваколатли органга ўлчаш воситаларини калибрлаш (қиёслаш) натижаларини эътироф этиш юзасидан ушбу Низомга 8¹-иловага мувофиқ шакл бўйича буюртманома тақдим этади, унга қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

амалдаги калибрлаш (қиёслаш) сертификатининг асл нусхаси ёки институт томонидан тасдиқланган нусхаси;

Ўзбекистон Республикасида ўлчаш воситаларининг метрологик назоратини ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, уларнинг кейинги (даврий) метрологик назоратини таъминлаш бўйича ариза берувчининг мажбуриятининг кафолат хати.

50. Ваколатли орган буюртманомани кўриб чиқади ва қуйидагиларга тақдим этилган ҳужжатлар таҳлилини ўтказади:

калибрлаш (қиёслаш) сертификатида “СIPM MRA” логотипи мавжудлиги;

калибрлаш (қиёслаш) сертификатини берган институтларда калибрлаш (қиёслаш) сертификатини қамраб олувчи Халқаро тарози ва ўлчовлар бюросининг асосий солиштиришлар бўйича маълумотлар базасида (KCDB) тасдиқланган калибрлаш ва ўлчаш имкониятлари (CMCs) мавжудлиги.

51. Ваколатли орган 1 иш куни мобайнида таҳлил натижаларига кўра, ушбу Низомга 10-иловага мувофиқ шакллар бўйича метрологик назорат натижаларини эътироф этиш тўғрисида сертификат беради ёки эътироф этиш расман асосланган ҳолда рад этилади;


г) 48 ва 49 - бандлар, тегишли равишда, 52 ва 53 бандлар деб ҳисоблансин;

д) иловаларга қуйидаги мазмундаги 7¹ илова қўшилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 14 октябрдаги 292-сон қарорига
7¹-Илова

IV СХЕМА

Миллий ўлчаш эталонлари, миллий метрология институтлари томонидан бериладиган калибрлаш ва ўлчаш сертификатларининг ўзаро эътироф этилиши тўғрисидаги келишув (СIPM MRA) доирасида ўлчаш воситаларини метрологик текширувдан ўтказиш натижаларини эътироф этиш



		бевосита тақдим этади.	
2-босқич	Ваколатли орган	Буюртманома ва ҳужжатларни кўриб чиқади: иш натижаларини эътироф этиш тўғрисида; ҳужжатларни, улар номувофик бўлган тақдирда, қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади. Эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда метрологик текширувдан ўтказиш натижаларини эътироф этиш сертификати расмийлаштирилади.	1 иш куни мобайнида
3-босқич	Ваколатли орган	Ўзбекистон Республикасига импорт бўйича олиб келинадиган ва эътироф этилган турдаги ўлчаш воситаларининг Давлат реестрига киритиш учун "Ўзстандарт" агентлигига тегишли ахборот тақдим этади.	1 иш куни мобайнида

е) қуйидаги мазмундаги 8¹ илова қўшилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 14 октябрдаги 292-сон қарорига
8¹-илова

Ваколатли орган раҳбарига

**Ўлчаш воситаларининг метрологик аттестация
(турини тасдиқлаш) натижаларини эътироф этишга
АРИЗА**

Ариза берувчи _____

(ариза берувчининг номи, манзили, телефони, электрон почтаси)
метрологик назоратини эътироф этиш тўғрисида сертификат бериш учун ҳужжатларни
экспертизадан ўтказишни илтимос қилади.

_____ (ўлчаш воситаларининг номи ва белгиланиши.

_____ завод рақами ёки бошқа идентификацияловчи белгиси, ишлаб чиқарилган йили)
_____ томонидан тайёрланган (ишлаб чиқилган),
(ишлаб чиқарувчи ташкилотнинг номи)

_____ томонидан тасдиқланган ва
(метрологик назорат натижаларини тасдиқлаган
ташкилотнинг номи)

_____ рақами билан _____ нинг Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган.
(мамлакатнинг номи)

Ўлчаш воситалари тури _____ га мувофиқ .

(норматив ҳужжатнинг белгиланиши)

Аризага куйидаги ҳужжатлар илова қилинади: _____
(ҳужжатлар рўйхати)

Ариза берувчининг номи,
манзили ва СТИР _____

Ариза берувчининг
телефони/факси _____

Ижро этувчи ходимнинг Ф.И.О.,
лавозими ва телефони _____

_____ (раҳбар/ваколат берган шахс)

_____ (Имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиётда қўлланадиган лаборатория ва диагностика ускуналарининг метрологик назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 15 февралдаги 112-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 2-сон, 36-модда) 4-бандининг учинчи хатбошида “Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти” сўзлари “Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти” сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 24 апрелдаги 348 - сон қарорига
6-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз қучини йўқотган деб
ҳисобланаётган айрим қарорлари
рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси фаолияти масалалари тўғрисида” 2000 йил 17 январдаги 13-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2003 йил 13 январдаги 14-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 5-модда) 16-банди.
3. Вазирлар Маҳкамасининг “Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва соғиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2004 йил 15 январдаги 24-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., №1, 4-модда) 2-бобига 5-иловаси.
4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2004 йил 5 августдаги 373-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 77-модда) 2 ва 3-бандлари, шунингдек 2 ва 6 иловалар.
5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 34-модда) 51-банди.
6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 11-сон, 86-модда) 1-илованинг 57-банди.
7. Вазирлар Маҳкамасининг “Этил спиртининг сифати устидан назоратни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2007 йил 31 июлдаги 159-сон қарори (Ўзбекистон Республикасининг ҚХТ, 2007 й., 31-32-сон, 319-модда).
8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2010 йил 5 июлдаги 108-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 27-модда) илованинг 51-бандининг “б)” кичик банди.
9. Вазирлар Маҳкамасининг “Сертификацлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори 4 бандининг “в)” ва “г)” кичик бандлари, шунингдек, унга 9-илованинг 6-банди.
10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз қучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 11-сон, 79-модда) 1-илованинг 69-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2014 йил 3 мартдаги 45-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 3-сон, 16-модда) 1-илованинг 20-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 14 октябрдаги 292-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 10-сонли, 92-модда) 3 илова 3-бандининг “b” кичик банди

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 4-сон, 28-модда) 1 илованинг 74-банди.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2016 йил 8 сентябрдаги 289-сон қарорига илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 9-сон, 84-модда).

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2017 йил 2 июндаги 348-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 92-модда) 2-бандининг “г)” кичик банди.

16. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2018 йил 15 февралдаги 121-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 2-сон, 38-модда) 1-илованинг 3-банди.